

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

«ИҚТИСОДИЁТ ВА МЕНЕЖМЕНТ» ФАКУЛЬТЕТИ

«ИҚТИСОДИЁТ» КАФЕДРАСИ

«Ҳимояга тавсия этилди»

«Иқтисодиёт»

кафедраси мудири, профессор в.б.

Б.Абдукаримов.

2012 йил «26» май

“Иқтисодиёт” таълим йўналиши

ИК-108 гуруҳ талабаси Козимов Козимнинг

«“СамТТМ — Такси” МЧЖ нинг моддий ресурслари ва уларнинг

самарадорлигини ошириш йўллари» мавзусида

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: доц. Шавқиев Э.

САМАРҚАНД – 2012

Самарканд иктисодиёт васервис институти "Иктисодиёт" таълим йуналиши ИК- 108 гуруҳ талабаси Козимов Козимнинг "СамТТМ — Такси" МЧЖ нинг моддий ресурслари ва уларнинг самарадорлигини ошириш йуллари" мавзусидаги битирув малакавий иши хусусида

МУЛОХАЗАЛАР


Замонавий бозор иктисодиётига ўтиш шароитида хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, мавжуд иктисодий имкониятлардан оқилона фойдаланиш, республика аҳолисини транспорт ва бошқа хизматларга булган талабаларини янада тўлиқроқ қондириш долзарб масалалар сирасига киради. Бу масалаларни ҳал этиш учун ҳар бир корхона хўжалик фаолиятини чуқур таҳлил қилиш асосида барча ресурслардан жумладан, моддий ресурсларидан яхшироқ фойдаланишга, камроқ харажат қилиб юқори натижаларга эришишга, илғор тажрибадарни жорий этишга ва сифат курсаткичларини яхшилашга эришиши керак.

Ишда бозор иктисодиёти шароитида аҳоли автотранспортига техник хизмат курсатиш корхоналарнда моддий ресурсларнинг шакллантирилиши ва улардан самарали фойдаланиш масалалари камраб олинган. Унда моддий ресурсларнинг моҳияти очиқ берилган, "СамТТМ — Такси" МЧЖ амалий маълумотлари асосида моддий ресурс захираларини шакллантиришда корхоналар уз маблагларининг урни ёритилган, жаҳон молиявий-иктисодий инкироз шароитида моддий ресурс захираларидан тежамли фойдаланиш устувор масала эканлигини курсатилган.

К.Козимов "СамТТМ — Такси" МЧЖда моддий ресурс захираларидан самарали фойдаланиш самарадорлигини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратган. Ишда моддий ресурслардан фойдаланишнинг иктисодий самарадорлигини фойдаловчи энг муҳим курсаткичлар — материал сизими ва материал қайтими курсаткичлари ҳамда айланма маблаглар самарадорлиги таҳлил қилинган. Таҳлил натижалари асосида хулосалар қилинган ва моддий ресурс захираларидан корхонада қай даражада фойдаланилаётганлигини таҳлил этиш учун бизнес-режанинг аҳамияти курсатиб берилган.

Мазкур битирув малакавий иш К.Козимов томонидан мустақил бажарилди. Иш "Олий таълим муассасаларида бакалаврларнинг битирув малакавий ишини бажаришга қуйиладиган талаблар"га жавоб беради. Уни химояга тавсия этишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман.

Илмий раҳбар, и.ф.н.,



доцент
Э.Шавкиев

Самарканд иктисодиёт ва сервис институти "Иктисодиёт" таълим йуналиши ИК-108 гуруҳ талабаси Козимов Козимнинг "СамТТМ — Такси" МЧЖ нинг моддий ресурслари ва уларнинг самарадорлигини ошириш йуллари" мавзусида битирув малакавий ишига

ТАКРИЗ.

Жамиятимизда ижтимоий йугрилган. бозор иктисодиётини шакллантиришга йуналтирилган чуқур ва кенг куламли иктисодий ислохатлар амалга оширилмоқда. Бундан мақсад халқнинг яшаш шароитларини яхшилаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, курсатилаётган хизматлар сифатини ошириб, корхона рақобатбардошлигини кучайтириш, давлат иктисодий мустақиллигини мустаҳкамлашдир.

Миллий иктисодиётнинг ривожланишида бозорнинг турли даражадаги талабларига мувожабланган маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат курсатиш жараёнлари катта аҳамиятга эга. Ушбу жараёнларни самарали амалга ошириш учун корхоналар етарли миқдорда моддий ресурсларга эга бўлишлари ва улардан самарали фойдаланишлари зарур.

Такриз қилинаётган ишда, аввало, моддий ресурслар хусусида тушунча бериш ва уларнинг моҳиятини очиш, "СамТТМ — Такси" МЧЖда моддий ресурс Захираларининг шакллантирилиши ва улардан самарали фойдаланиш даражасини урганиш, сунгра эса, улар асосида ҳулосалар қилиш ва амалий тавсиялар бериш мақсад қилиб қуйилган. Муаллиф "СамТТМ — Такси" МЧЖ амалий маълумотларини таҳлил этиш асосида мувожабланган мақсадга эришган.

Ишда жаҳон молиявий-иктисодий инкироз шароитида моддий ресурс захираларидан тежамли фойдаланиш устувор масала эканлигига алоҳида эътибор берилган.

Маълумки, корхоналарда моддий - ресурслар айланма маблағларнинг асосий қисмини ташкил этади. Ва уларнинг аксарият қисми корхоналарнинг уз маблағлари ҳисобига шакллантирилади. Шу сабабли, иш муаллифи "СамТТМ — Такси" МЧЖда айланма маблағларни шакллантиришда уз маблағларининг иштирокини таҳлил этишга эътибор қаратган (20-21 бетлар).

Ишда корхоналарда моддий ресурслардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи энг муҳим курсаткичлар — материал сизими ва материал қайтими курсаткичлари таҳлил қилинган (39-41 бетлар).

Ишда, менинг фикримизча, айрим камчиликлар ҳам мавжуд. Унда моддий ресурслар элементлари буйича ҳақиқий сарфларнинг режа курсаткичларига қанчалик мос келиши таҳлил қилинмаган. Агарда шу йусиндаги таҳлиллар амалга оширилганида ишнинг мазмуни янада бойиган ва корхонанинг келгуси фаолияти учун фойдали бўлган амалий тавсиялар бериш имконияти яратилган булар эди. Бироқ, кўрсатилган камчилик ишнинг қадрини пасайтирмайди.

К.Козимов бажарган битирув малакавий иш олий таълим талабларига жавоб беради. Шу сабабли, уни хнмоёга тавсия этишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман.

Самарканд Давлат Университети
"Ижтимоий-иктисодиёт ва бошқарув"
кафедраси доценти и.ф.н



Б.И.Усмонов

М У Н Д А Р И Ж А

М а з м у н и	Бетлар
Кириш.....	3
1- боб. Аҳоли автотранспортига техник хизмат кўрсатиш корхоналарида моддий ресурслар моҳияти ва уларнинг шакллантирилиши.....	8
1.1.Моддий ресурсларнинг иқтисодий моҳияти.....	8
1.2.Аҳоли автотранспортига техник хизмат кўрсатиш корхоналарида моддий ресурсларнинг шакллантирилиши	14
2 - боб. “СамТТМ — Такси” МЧЖнинг моддий ресурслар билан таъминланганлиги таҳлили.....	22
2.1.“СамТТМ — Такси” МЧЖнинг иқтисодий ва ижтимоий фаолиятига тавсиф.....	22
2.2. Корхонада моддий ресурсларни нормалашитириш ҳолати.....	27
2.3. Корхонанинг моддий ресурслар билан таъминланганлик Таҳлили.....	33
3 - боб. “СамТТМ — Такси” МЧЖда моддий ресурслардан фойдаланиш самарадорилигини ошириш йўллари.....	39
4 - боб. “СамТТМ — Такси” МЧЖда меҳнат ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масалалари.....	46
4.1.Меҳнат хавфсизлигини таъминлаш масалалари.....	46
4.2. Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масалалари.....	51
Хулосалар.....	55
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	61
Иловалар.....	64

Кириш

Ҳар қандай жамиятда инсонлар ўз эҳтиёжларини қондиришлари шарт, чунки ҳаёт кечириш — эҳтиёжларнинг қондирилишини аниқлатади. Ҳаётнинг эҳтиёжларнинг турларидан: иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий ва соф физиологик эҳтиёжлар. Улар жамиятнинг иқтисодий тараққиёти даражасига, ижтимоий-иқтисодий тузумига, ҳаёт кечиришнинг табиий-географик шароитига, тарихий-миллий анъаналар ва одатларга боғлиқдир.

Иқтисодиёт қолоқ бўлса эҳтиёжлар доираси тор ва, аксинча, ривожланган бўлса эҳтиёжлар доираси кенгайди ва хилма-хил бўлади.

Инсон эҳтиёжини тўлароқ қондиришнинг негизида мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш воситасида ишлаб чиқаришни ривожлантириш ётади. Мамлакат моддий ишлаб чиқариш қанчалик юксалса шунчалик кўпроқ ялпи маҳсулот ва миллий даромад яратилади.

Ҳозирги ўтиш даври янги иқтисодий тизимнинг — аралаш иқтисодиётга асосланган бозор муносабатларининг ҳаётнинг ва самарадорлигини исботлаб турибди. Жамиятимизда бозор иқтисодиётига ўтишни инсон манфаатлари тақозо этмоқда ва ундан мақсад ижтимоий йўналтирилган иқтисодиётни вужудга келтириш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни истеъмолчи эҳтиёжларига тобора кўпроқ қаратиш, тақчилликларни бартараф этиш, фуқароларнинг иқтисодий эркинлигини амалда таъминлаш, меҳнатсеварлик, ижодкорлик ва ташаббусни, юксак меҳнат унумдорлигини рағбатлантириш учун шарт-шароит яратишдир.

Миллий иқтисодиётнинг хизмат кўрсатиш соҳасида транспорт корхоналариг алоҳида ўринга эга. Уларсиз ривожланган жамият негизини яратиш бўлмайди. Чунки, транспорт мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларининг муҳим таркибий қисмидир.

Транспорт ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий тузумнинг зарур воситаси ҳисобланади. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши, ижтимоий-иқтисодий тузумнинг ўзгариши билан транспорт воситалари ҳам ўзгаради, ривожланади. Бундай ўзгариш баъзан умумий ривожланишдан илгаридан

борса, баъзида орқада қолади. Транспорт воситаларининг ўсиши умумий ривожланишдан орқада қолганда жамият ривожига тўсиқ бўлади ва бу нарса транспорт воситалари тараққиёти суръатларини жадаллаштириш заруриятини вужудга келтиради.

“Республика иқтисодиёти барқарор юкори суръатлар билан ривожланиши, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш, инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантириш борасида фаол инвестиция сиёсатини давом эттириш, шунингдек аҳоли даромадларини оғишмай ўстириб бориш 2010 йилда кўрсатилган транспорт хизматларининг ҳажмлари 2009 йилга қараганда 7,1 %га ўсишига ёрдам берди”¹.

Мамлакатимизда автомобиль транспорти билан юк ташиш ва юк айланмаси, йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси йилдан-йилга ўсиб бормоқда: 2010 йили 1991 йилга нисбатан юк ташиш 3,7 баробарга, юк айланмаси 4,5 баробарга, йўловчи ташиш 2,3 баробарга ва йўловчи айланмаси 3,1 баробарга ошган². Бундай катта ҳажмдаги ишлар турли русум ва андозадаги ҳамда турли қувватдаги автомобиль транспорти воситалари ёрдамида амалга оширилган.

Автомобиль транспорти миллий иқтисодиётнинг муҳим буғунига айланган ҳозирги шароитда, уни керакли воситалар билан таъминловчи ва таъмирловчи корхоналарсиз самарали, мақсадга мувофиқ равишда аҳолига ва миллий иқтисодиётнинг турли тармоқларига транспорт хизматини кўрсатиш мумкин бўлмайди.

Ўзбекистонда автомобиль транспортига техник хизмат кўрсатиш учун катор корхоналар мавжуд. Автотранспорт корхоналари ва аҳоли автомобилларига техника хизмати кўрсатиш (ТХК) корхоналари юкори суръатлар билан кўлами жиҳатдан ҳам, салоҳияти ва халқаро иқтисодий муносабатлари жиҳатдан ҳам ўсиб бормоқда. Асака, Дўстлик, Самарқанд,

¹ Ўзбекистон иқтисодиёти: ахборот-таҳлилий бюлленъ 2010 йил. – Т.:Иқтисодий тадқиқотлар маркази, 2011, 48 бет.

² Альманах Ўзбекистон 2011. – Т.:Иқтисодий тадқиқотлар маркази, 2011, 52-53 бетлар.

Тошкент, Урганч, Наманган ва бошқа шаҳарларнинг автомобиль ишлаб чиқариш заводлари янги техника билан жиҳозланмоқдалар. Улар аҳоли автомобилларига ва турли мулк шаклидаги автокорхоналарга автотранспорт воситалари, эҳтиёт қисмлар ва турли материаллар билан таъминлаш учун фаолият кўрсатадилар.

Мамлакатимизда аҳолининг ва миллий иқтисодиёт тармоқларининг транспорт хизматларига бўлган талабини қондириш учун мингдан зиёд автокорхоналар, икки мингдан ортиқ турли қувватдаги аҳоли автомобилларига техник хизмат кўрсатиш корхона (ТХКК)лари ишлаб турибди. Бу корхоналар турли мулкчиликка асосланган: хусусий, давлат ва хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар. Улар бажарадиган вазифаларига кўра автомобилга хизмат кўрсатувчи ва автомобилни таъмирловчи корхоналарга бўлинади.

Мамлакатимизда, кейинги йилларда, хизмат кўрсатиш соҳаси бир мунча тараққий этмоқда ва натижада аҳолининг хизматларга бўлган талаби маълум бир даража қондирилишига имконият яратилмоқда.

“... хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси 2011-йилда жадал суръатлар билан ривожланиб, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000-йилдаги 37 фоиз ўрнига 50,5 фоизни ташкил этди”³.

Хизмат кўрсатиш корхоналарининг фаолияти зарур моддий ресурслар билан таъминланганлигидан боғлиқдир. Уларнинг етарли миқдорда, яъни белгиланган норматив миқдорида бўлмоғи лозим. Шу сабабли ҳам автотранспортга хизмат кўрсатиш корхоналарининг фаолияти самарадорлигини оширишда моддий ресурсларни ташкил этиш ва уларни бошқариш алоҳида ўрин тутаяди.

Мазкур **битирув малакавий иш мавзусининг долзарблиги** қуйидагилар билан изоҳланади:

- моддий ресурслар таъминоти ва уларни тўғри сарф қилиш;

³ Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. // Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь.

- моддий ресурсларга эга бўлмасдан туриб ишлаб чиқаришни йўлга қўя олмаслик;
- моддий ресурсларнинг маҳсулот(иш ва хизматлар) таннархига таъсири орқали, бевосита улар баҳосига таъсир қилиши ҳамда бу корхонанинг бошқа шу тармоқ корхонаси ўртасидаги рақобатига таъсир қилиши ва ҳоказо.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси: Бир қатор ўзбекистонлик ва хорижий олимлар, мутахассислар, жумладан, профессорлар И.Т.Абдукаримов, Б.А. Абдукаримов, Э.А.Акрамов, К.Б.Уразов ва бошқалар ўз ишларида моддий ресурслар захираларига кенг тўхталганлар, бу ҳақида уларнинг чоп қилган дарсликлари. Ўқув қўлланмалари ва мақолаларидан билиб олиш мумкин.

Мавзунинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур битирув малакавий иши Самарқад иқтисодиёт ва сервис институти “Иқтисодиёт” кафедрасининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мос келади ва мазкур доирада бажарилган.

Ишнинг мақсади. Ишнинг мақсади иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши шароитида моддий ресурслар захираларини шакллантиришнинг назарий, методологик ва ташкилий муоммаларини тадқиқ этиш ҳамда ушбу муоммаларни ҳал этишга доир илмий-амалий тавсиялар бериш, шунингдек, мазкур иш муалифининг ўқиш даврида олган билимлари ва кўникмалари натижаларини кўрсатаолишдан иборат.

Қўйилган мақсаддан келиб чиқиб битирув малакавий иши олдида куйидаги вазифалар қўйилди:

- моддий ресурс захираларининг турларини келтириш;
- моддий ресурс захираларини шакллантиришнинг назарий асосларини очиб бериш;
- жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз шароитида моддий ресурс захираларидан тежамли фойдаланиш устувор масала эканлигини кўрсатиш;

- корхонада моддий ресурс захираларидан самарали фойдаланиш юзасидан ўз таклифларини бериш.

Изланишлар объекти ва предмети. Битирув малакавий ишнинг тадқиқот объекти бўлиб “СамТТМ — Такси” МЧЖ ҳисобланади. Изланишнинг предмети эса хизмат кўрсатиш корхонасида моддий ресурс захираларини ташкил қилишни такомиллаштиришдир.

Ишнинг таркиби. Битирув малакавий иш кириш, тўртта боб, еттита бўлим, хулосалардан ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, жами ҳажми 63 бет. Ишга “СамТТМ — Такси” МЧЖнинг Устави ва 2009-2011 йиллар молиявий ҳисоботлари илова қилинган.

Иш Самарқанд шаҳридаги “СамТТМ — Такси” МЧЖ материалларига таянган ҳолда хизмат кўрсатиш корхоналарининг моддий ресурслари таркибий тузилиши ва улар манбалари, улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари кўрсатилган.

Битирув малакавий ишни ёзишда Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишлари, махсус иқтисодий адабиётлар ҳамда “СамТТМ — Такси” МЧЖ статистик ва молиявий ҳисоботлари маълумотларидан фойдаланилди.

1-боб. Аҳоли автотранспортига техник хизмат кўрсатиш корхоналарида моддий ресурслар моҳияти ва уларнинг шакллантирилиши

1.1.Моддий ресурсларнинг иқтисодий моҳияти

Ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг асоси ишлаб чиқариш воситалари бўлиб ҳисобланади. Улар иккита элементдан — меҳнат воситалари ва меҳнат предметларидан иборат.

Меҳнат воситалари ва предметлари ишлаб чиқариш жараёнида ҳар хил иштирок этади ва ўз қийматини маҳсулот (иш, хизмат) қийматиغا ҳар хил ўтказди. Меҳнат воситалари бир неча ишлаб чиқариш цикли давомида ишлаб чиқаришга хизмат қилиб ўзининг натурал шаклини сақлайди. Шунга мувофиқ уларнинг қиймати ҳам бир қатор ишлаб чиқариш цикли давомида қисмларга бўлиниб маҳсулот (иш, хизмат) қийматиغا ўтади. Шунинг учун доиравий айланишдаги ҳар бир пайтда меҳнат воситалари қийматининг маълум бир қисми қатнашади ва ишлаб чиқариш циклида бутунлай истеъмол қилинади ва шу цикл давомида ўз қийматини маҳсулот (иш, хизмат) қийматиغا тўла ўтказди.

Меҳнат предметлари — ишлаб чиқаришнинг моддий шароитларидан бири ҳисобланади. Улар, амалда, моддий ресурслар⁴ ҳам деб аталади.

Моддий ресурслар — бу меҳнат объекти бўлган предметлар (бир қанча нарсалар, буюмлар) йиғиндисидир. Инсон ўз эҳтиёжларини қондириш мақсадида меҳнат қуроллари воситасида унга таъсир этади, ундан ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланади.

Моддий ресурслар меҳнат қуролларидан фарқ қилиб, бир ишлаб чиқариш жараёнида ўзининг қийматини тўлиқ маҳсулот (иш, хизмат) таннархига ўтказди.

Моддий ресурслар ишлаб чиқариш корхоналари айланма активларининг таркибий қисми ҳисобланади. Иқтисодий адабиётларда

⁴ Ресурс (фр.) — бу зарурият туғилганда фойдаланиш учун мавжуд бўлган имконият ва бойликдир..

корхоналар моддий ресурслари таркибига куйидагилар киритилган:


- хом ашё ва материаллар;
- электроэнергия;
- ёқилғи;
- ёғловчи материаллар;
- хўжалик инструменлари ва бошқалар.

Ишлаб чиқариш корхоналари моддий ресурсларнинг аксарият қисми ишлаб чиқариш захиралари сифатида омборларда сақланса, уларнинг маълум бир қисми ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этади. Улар айланма ишлаб чиқариш фондлари ҳам деб аталади (1.1-чизма).

Мамлакатимизнинг янги иқтисодий тузумга ўтиши шароитида ҳар қандай корхона ўзининг асосий мақсадига эришиш учун ишлаб чиқариш харажатларини, жумладан, моддий ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланишга алоҳида эътибор берадилар. Чунки, шунинг натижасида улар ўз фойдаларини кўпайтиришга, оқибат натижада, фойдалилик даражасини оширишга эришадилар.

Ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилаётган моддий ресурслар ҳар бир элементининг аҳамияти катта. Айрим ҳолларда моддий ресурсларнинг бирон бир элементи йўқлиги маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариш имкониятини чеклаб қўяди, айрим ҳолларда эса ишлаб чиқаришнинг умуман тўхтаб қолишига сабаб бўлади. Қиёсий қарайдиган бўлсак, меҳнат предмети ҳисобланган металллар, электр қувватлари ва бошқалар мавжуд бўлмаса маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариш ҳам чекланади.

Миллий иқтисодиёт таркибида турли ишлаб чиқариш корхоналари мавжуд. Уларда моддий ресурслар таркиби ва тузилиши ҳар хил. Айримларида моддий ресурсларнинг тузилиши йил мобайнида кескин ўзгаради. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналарда хом ашёнинг ҳиссаси куз пайтида юқори бўлади. Нон ва нон маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарда эса моддий ресурслар тузилиши йил давомида ўзгаришсиз қолади.



Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши шароитида меҳнат предметларига бўлган талаб корхоналар томонидан мустақил равишда режалаштирилади. Улар бозор талабларини, эҳтимол тутилган шерикларнинг имкониятларини ўрганиш, нарх-навонинг ўзгариш тўғрисидаги ахборот асосида ўз ишлаб чиқаришининг таъминотини, бозорларда (товарлар, хизматлар, молия бозорларида) монополияга қарши қонунларнинг талабларини назарда тутган

ҳолда бевосита ёки воситачи орқали олди-сотдини, маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишни ва ўз ишлаб чиқаришининг таъминотини мустақил амалга оширади.

Моддий ресурслардан самарали фойдаланиш натижасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ўртача харажатлари ёки таннархлари пасаяди. Бунинг натижасида корхоналарнинг соф фойдалари ортади. Шунинг билан биргаликда моддий ресурслардан ўриндошлик билан фойдаланиш оқибатида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатлари яхшиланади, хизмат қилиш муддатлари эса кўпаяди.

Шуни таъкидлаш лозимки, корхоналарда маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариш режасининг бажарилиши, таннархнинг пасайиши, фойда ва рентабелликнинг ошиши, уларнинг белгиланган ассортиментда ва сифатли моддий ресурслар билан таъминланишига боғлиқ. Шунинг учун ҳам корхоналар ўз ишлаб чиқаришини бир маромда самарали ривожланишини таъминлаш мақсадида узоқ муддатга мўлжалланган бизнес режаларига асосланган ҳолда моддий ресурсларга бўлган эҳтиёжларини аниқлашга ва таъминлашга алоҳида эътибор берадилар. Юқорида қайд этилганидек, моддий ресурсларнинг ўз вақтида олиб келинмаслиги ёки етказиб берилмаслиги, ёки йўқлиги корхоналар ишлаб чиқариш фаолиятининг тўхтаб қолишига олиб келади.

Моддий ресурслар билан ўз вақтида, зарурий миқдорларда ва белгиланган сифатда ҳамда бир маъромда таъминланиши, шу билан биргаликда, улардан оқилона фойдаланиш пировардида корхоналарнинг иқтисодий ривожланишига ва тараққий этишига ҳар томонлама таъсир этади.

Миллий иқтисодиёт таркибидаги ҳар бир корхонанинг ривожланиши, тараққий этиши ҳамда иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлиши, мустақил республикамизнинг иқтисодиётини барқарорлашишига замин яратади. Шунингдек, халкимиз турмуш даражасининг янада юксалишига ҳар томонлама ўз таъсирини кўрсатади.

Ишлаб чиқариш корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш

ҳажмларининг ошиши, ўз навбатида моддий ресурслардан фойдаланиш кўламининг ҳам кенгайишига олиб келади. Шунинг учун моддий ресурслардан тежаб, тергаб фойдаланиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Жамият ривожланишининг ҳозирги ўтиш даврида моддий ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлаш учун замонавий янги техникалардан унумли фойдаланиш, шунингдек, самарали технологияларни ишлаб чиқаришга тезкорлик билан татбиқ этиш талаб қилинади. Улар ёрдамида моддий ресурсларнинг шлаб чиқаришга сарф қилиниши, тежалиши таъминланади.

Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши шароитида моддий бойликлардан фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш, хўжасизликка қарши курашиш, маҳсулот таннархида моддий харажатларнинг улушини камайтириб бориш масалаларига алоҳида эътибор берилади. Жумладан, моддий ва меҳнат ресурсларини тўғри, тежамли сарфлаш миллий иқтисодиётни янада ривожлантиришда, аҳолининг моддий фаровонлигини оширишда муҳим омилдир.

Ҳозирги пайтда корхоналар тасарруфидаги барча ресурслардан тежамли фойдаланиш жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароита янада долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурида “... қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш.

... таннархни камайтириш бўйича белгиланган параметрларга эришиш учун раҳбар ва масъул ходимларни рағбатлантиришнинг таъсирчан механизмини ишлаб чиқиш ...”⁵ вазифа этиб белгиланган.

Белгиланган бу вазифаларни ҳал этишда, яъни мавжуд моддий

⁵ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 32 бет.

ресурслардан тежамли фойдаланиш учун, ишлаб чиқариш корхоналаридан қуйидагиларга изчиллик билан ёндошишлари талаб қилинади:

- материаллар ҳаракати билан боғлиқ ўзгаришларни ўз вақтида тегишли ҳужжатларда расмийлаштириш;
- материалларни жойлашда уларни тўғри сақланиши устидан назорат олиб бориш;
- моддий–техник таъминоти режасининг бажарилиши устидан назорат олиб бориш;
- материалларнинг ишлаб чиқаришга тўғри берилиши ва уларни сарфлаш нормасига риоя қилиш устидан назорат олиб бориш;
- маҳсулот таннархини ҳисоблашда сарфланган материалларни калькуляция объектлари ўртасида тўғри тақсимлаш;
- ички ресурсларни ишга солиш мақсадида ортиқча ва фойдаланилмаётган материалларни аниқлаш ва сотиш.

Бу вазифаларни бажаришда корхона таъминот тизимининг ҳамда омбор хўжалигининг (керакли тарозилар ва ўлчов асбоблари билан жиҳозланиши) қай даражада ташкил қилинганлиги муҳим роль ўйнайди.

Моддий ресурсларни ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этишига кўра иккита гуруҳга бўлиш мумкин:

- хом ашё ва асосий материаллар;
- ёрдамчи материаллар.

Ишлаб чиқариш корхоналарида маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархи таркибида асосий материаллар салмоқли ҳиссани ташкил қилади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг асосини ташкил қилмайдиган, маҳсулотга маълум сифат (бўёқ, лак) ёки корхона ходимларининг меҳнат шароитини яхшилаш мақсадида (меҳнат жараёни учун бинони озода тутишда, эстетик дид беришда, шинам қилишда) ишлатиладиган ҳар хил материаллар ёрдамчи материаллар ҳисобланади. Ёрдамчи материаллар қаторига ёқилғи ҳамда эҳтиёт қисмларни ҳам киритиш мумкин. Бироқ амалиётда ёқилғининг миллий иқтисодиётдаги аҳамиятини ва эҳтиёт қисмлар бўйича норматив

ҳисоблашнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда улар ёрдамчи материаллар таркибига киитилмайди. Улар алоҳида гуруҳларга ажратилган.

Корхоналардаги моддий ресурсларнинг жами уларнинг ишлаб чиқариш захирасини ташкил этади. Ишлаб чиқариш захиралари таркибида сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар, бутлаш буюмлари, конструкциялар ва деталлар салмоқли ҳиссани ташкил этади.

1.2. Аҳоли автотранспортига техник хизмат кўрсатиш корхоналарида моддий ресурсларнинг шакллантирилиши

Мустақил хўжалик юритувчи субъект сифатида ҳар бир корхона ўзининг ишлаб чиқариш захирасини мол етказиб берувчилар билан шартнома тузиш асосида шакллантиради.

Моддий ресурсларни етказиб берувчиларнинг шартнома шартларига риоя этишлари ишлаб чиқаришнинг тўхтовсиз давом этишига ва ўз вақтида юқори сифатли техник хизмат кўрсатишни таъминлашда муҳим омил ҳисобланади. Амалдаги қонунчиликга мувофиқ моддий ресурсларни етказиб берувчилар шартнома шартларининг бузган тақдирда жарима тўлашлари шарт. Бу эса, ўз навбатида, корхоналар зиммасига шартнома шартларининг муддати ҳамда материал ассортименти ва унинг сифати устидан назорат олиб боришни юклайди.

Моддий ресурсларни етказиб берувчилардан олинган ҳисоб-китоб ҳужжатлари, аввало, корхона бухгалтериясига топширилади. Бухгалтерия ходимлари уларни текширади ва рўйхатга олади. Шундан сўнг бу ҳужжатлар корхонанинг таъминот бўлимига берилади. Ҳар бир ҳужжат бўйича унинг тўланиши ёки тўланмаслиги аниқланади. Агар хом ашё ва материаллар етказиб берувчилар шартнома шартларини бажарган бўлсалар, ҳужжатни тўлашга розилик берилади. Тўланиши лозим бўлган ҳисоб-китоб ҳужжатлари

материални қабул қилиш учун омборга берилади. Материаллар корхонага келтирилганга қадар барча ҳужжатлар махсус папкада сақланади. Ўз вақтида юборилмаган материаллар тўғрисида омбор мудирининг таъминот бўлимига тегишли чора кўрилиши учун хабар қилади.

Моддий ресурслар корхона экспедитори томонидан таъминот бўлимининг наряди ва бухгалтерия томонидан берилган ишончнома асосида қабул қилинади.

“СамТТМ — Такси” МЧЖга келтирилаётган моддий ресурслар таркибида материаллар салмоқли ҳиссани ташкил этади. Қабул қилиш вақтида материал текшириб кўрилади ва бунда аниқланган камомат далолатнома билан расмийлаштирилади.

Корхонага келтирилган материалларнинг сони, сифати счётда кўрсатилганига тўғри келиш ёки келмаслиги омборга қабул қилиш вақтида текшириб кўрилади. Қабул қилинган материаллар қабул қилиш акти (ёки "кирим ордери" ҳужжати) билан расмийлаштирилади. Корхонада ҳисоб ишлари компьютер воситалари ёрдамида бажарилиши туфайли кўп қаторли кирим ордерларидан фойдаланилади.

Корхонанинг ўзида ишлаб чиқарилган материаллар ҳам омборига қабул қилинади. Бунда кирим қилинаётган материаллар накладной ҳужжати билан расмийлаштирилади. Кирим ордери ҳамда накладнойлар икки нусхада ёзилади.

Корхона омборидан ишлаб чиқаришга сарфлаш учун бериладиган материаллар лимит-забор карталари, талабнома ҳужжатлари ёзиш билан расмийлаштирилади. Ишлаб чиқариш зарурияти учун бир ёки турли хил материални ой давомида бир неча марта оладиган бўлса, у ҳолда лимит-забор карталари қўлланилади. Унда ишлаб чиқаришга берилиши лозим бўлган маълум тур материалнинг ойлик лимити кўрсатилади. Лимит ишлаб чиқариш режаси ва материалларни сарфлаш нормаси асосида аниқланади. Лимит картаси икки нусхада ёзилади ва бир нусхаси омборга, иккинчи нусхаси цехга берилади. Карталар рўйхат қилинади ва нусхаси бухгалтерияга

берилади. Рўйхат нусхаси асосида лимит карталарининг ўз вақтида бухгалтерияга топширилиши устидан бухгалтерия ходимлари назорат олиб бордилар.

Моддий жавобгар шахс корхона омборидан берилган материаллар сонини лимит картасининг икки нусхасида кўрсатади ва фойдаланилмаган лимит қолдиғини аниқлайди. Мабода техник хизмат кўрсатиш ҳажми ошса (режадан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилса, иш ва хизматлар бажарилса) ёки лимитдан ортиқ миқдорда материал сарфлаш натижасида ҳисобот ойти тугамасдан туриб лимитда кўрсатилган материал сарфлаб бўлинса, у ҳолда материаллар омбордан ишлаб чиқаришга тегишли шахсларининг рўхсати билан берилади. Бундай ҳолатда лимитдан ортиқча сарфланган материал талабнома ҳужжати билан расмийлаштирилади.

Материалларни сарфлаш бўйича лимитнинг шу тариқа белгиланиши, нормадан ортиқча сарфлар ҳақида корхона раҳбарларига ўз вақтида хабар қилиш имкониятини беради. Лимит карталарининг қулланилиш ҳужжатлар сонини камайтиради ҳамда уларни қайта ишлашни енгиллаштиради.

Корхона омборларида материалларнинг ҳисоби миқдор кўрсаткичларда юритилади. Материалнинг ҳар бир турига тегишли шаклдаги варақалар очилади. Улар материал ҳаракати билан боғлиқ кириш ва чиқим операциялари бўйича расмийлаштирилган бошланғич ҳужжатлар асосида тўлдирилади ва ҳар бир кириш ҳамда чиқим операциялари ёзилганидан кейин материал қолдиғи аниқланади. Материалларнинг омбордаги ҳақиқий қолдиғи нормадаги қолдиқ билан солиштирилади ва ўртадаги фарқдан таъминот бўлими ходимлари хабардор қилинади.

Материалларнинг кириш ва чиқим операциялари бўйича кундалик расмийлаштирилган бошланғич ҳужжатлар белгиланган муддатда корхона бухгалтериясига топширилади.

“СамТТМ — Такси” МЧЖ омборларида материалларнинг ҳисоби оператив бухгалтерия ёки бошқа усуллар ёрдамида ҳисобга олинади. Бунда материалларнинг омбордаги ҳисоби сон шаклида, бухгалтерияда эса пул

шаклида юритилади.

Материалларнинг ҳаракати бўйича, омборда расмийлаштирилган бошланғич ҳужжатлардаги маълумотлар асосида материалларнинг миқдор ва сўмдаги ҳисоби корхона бухгалтериясида олиб борилади. Омборда бошланғич ҳужжатларнинг тўғри ёки нотўғри расмийлаштирилаётганлиги (белгиланган муддатларда) бухгалтерия ходимлари томонидан текшириб борилади ва ёзувлар тўғрилиги омбор варақаларининг «назорат» бўлимида имзо билан тасдиқланади. Ва ҳисобот ойининг охирида омбордаги ҳисоб бухгалтерияда юритиладигани ҳисоб маълумотлари билан таққосланади. Бунинг учун эса ҳар бир омбор бўйича қолдиқ ведомости юритилади. Ведомостда омбор варақалари асосида материал қолдиғи ёзилади ва у пул кўрсаткичига айлантирилади.

Шундан кейин ведомостдаги материал қолдиғининг умумий суммаси бухгалтерияда материаллар ҳаракати бўйича юритиладиган маълумотлар билан солиштирилади. Сонларнинг тўғри келиши ҳисобот оyi давомида омборда ва бухгалтерияда юритилган ҳисобнинг тўғрилигидан далолат беради.

Корхонанинг тегишли бўлинмаларида материаллар ҳаракати бўйича расмийлаштирилган бошланғич ҳужжатлар бухгалтерияга белгиланган муддатда реестр асосида топширилади. Улар бухгалтерияда текширилади ва қайта ишланади. Бошланғич ҳужжатларни кейинги қайта ишлаш жараёни бир томондан материал ҳисоби гуруҳи, иккинчи томондан эса, ишлаб чиқариш ҳисоби ходимлари томонидан амалга оширилади. Шунинг учун бошланғич ҳужжатлар, лимит-забор карталари, талабномалар, накладнойларнинг иккинчи нусхаси текширилиб, таксировка қилингандан сўнг бухгалтериянинг материал бўлиmidан ишлаб чиқариш бўлимига берилади.

Бошланғич ҳужжатлардаги маълумотлар жамланиш ведомостларига кўчирилади. Ушбу ведомост маълумотлари ҳисобот оyi охирида ҳар бир омбор бўйича оборот ведомости тузишда асос бўлиб ҳисобланади.

Корхона фаолиятида материалларни тўғри баҳолаш муҳим аҳамиятга

эга. “СамТТМ — Такси” МЧЖтида у ҳақиқий қиймати бўйича баҳоланади. Сотиб олинган ишлаб чиқариш захиралари таннархи қуйидаги элементлардан ташкил топади:

- мол етказиб берувчининг счётига кўра унга тўланиши керак бўлган сумма;
- чет ташкилотлар томонидан амалга ошириладиган транспорт харажатлари;
- товар биржалари кўрсатган хизматлар қиймати;
- тегишли солиқлар ва тарифлар;
- захираларни сотиб олиш, қабул қилиш ва омборга жойлаштириш билан боғлиқ бошқа харажатлар.

Маълумки, моддий ресурсларнинг ҳар бир турини тайёрлаш, ҳақиқий таннархини ҳисоблаш кўп меҳнат ва вақт талаб қилади. Шунинг учун ҳам кўпчилик ҳолларда моддий бойликлар ўртача сотиб олиш баҳоларида баҳоланади. Уларнинг ҳақиқий таннархи билан ўртача сотиб олиниш баҳоси ёки режа таннархи ўртасидаги фарқ уларнинг гуруҳлари бўйича алоҳида ҳисобга олинади. Ҳозирги пайтда, амалиётда компьютерларнинг кенг қўлланилиши моддий ресурс захиралари ҳар бир турининг ҳақиқий таннархини ҳисоблаш имкониятини яратади.

Аҳоли автотранспортга хизмат кўрсатиш корхоналарида, ишлаб чиқариш захиралари ҳисобини юритишда улар қийматини ҳисобдан чиқаришнинг танлаб олинган усули муҳим роль ўйнайди.

Жаҳон амалиётида ишлаб чиқаришга киритилаётган моддий ресурсларнинг ҳақиқий таннархини аниқлашда баҳолашнинг қуйидаги усуллари қўлланилиб келинаётир:

- ўртача таннарх бўйича, АВЭКО;
- ўртача чамаланган баҳолар бўйича, биринчи тушум-биринчи харажат, ФИФО;
- ўртача чамаланган баҳолар бўйича, охириги тушум-охириги харажат, ЛИФО.

Баҳолашнинг биринчи — АВЭКО усулида, ишлаб чиқариш захираларининг ҳисобдан чиқарилишида дастлаб уларнинг ўртача қиймати (таннархи) топиб олинади ва ўша қиймат (таннарх) бўйича улар ҳисобдан чиқарилади. Бунинг учун ҳисобот оyi давомида сарфланган материаллар ишлаб чиқариш харажатларига жорий баҳо бўйича киритилади, ҳисобот оyi охирида ҳақиқий таннарх билан жорий баҳо ўртасидаги фарқнинг тегишли улуши киритилади. Сарфланган материалларни баҳолаш қуйидаги формуладан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб йўли билан аниқланади:

$$C=OB + Q - OQ ,$$

бу ерда: C — ишлаб чиқаришга сарфланган материаллар қиймати;

OB ва OQ — материалларни ой бошига ва ой охирига қолдиқ қиймати;

Q — қабул қилинган материаллар қиймати.

Шуни таъкидлаш лозимки, ФИФО ва ЛИФО усуллари ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқариш захираларини баҳолаш усуллари сифатида ишлаб чиқилган. ФИФО (биринчи тушум - биринчи чиқим) усулда ишлаб чиқариш захиралари қандай қийматда кирим бўлган бўлса, ўша қийматда келиб тушиш кетма-кетлиги бўйича ҳисобдан чиқариб бoрилади.

Ишлаб чиқариш захираларини баҳолашнинг ЛИФО усулида бошқача тартиб қўлланилади — охириги тушум-охириги харажат, яъни материаллар ишлаб чиқаришга аввал охириги партия таннархи бўйича ёзилади, сўнгра аввалги партия ва ҳоказо.

Ишлаб чиқариш захираларини баҳолашнинг қайси усулини танлашдаги асосий муаммо уларни балансда ҳамда фойда ва зарарлар ҳақидаги ҳисоботда қандай акс эттирилишидaдир.

ЛИФО усули фойда ва зарарлар ҳақидаги ҳисоботни тузиш учун кўпроқ талабга жавоб беради. Чунки у маҳсулот(иш, хизмат)ларни сотишдан олинadиган даромадни уларнинг таннархи блан солиштириш имконини яхшироқ тарзда беради. Товар-моддий бойликлар баҳосининг ошиши ёки пасайиши шароитида ишлаб чиқариш захиралари қийматини жорий балансда баҳолаш учун бу усулдан фойдаланиш унчалик мақсадга мувофиқ эмас.

“СамТТМ — Такси” МЧЖда бошқа корхоналар сингари ишлаб чиқариш захираларининг ҳисобдан чиқарилишида ЛИФО усулни қўллаш республикамизнинг 4-сон БХМС «Товар-моддий захиралар»га мувофиқ таъқиқланган.

“СамТТМ — Такси” МЧЖда ишлаб чиқариш захираларини баҳолашнинг ФИФО усулини қўллашни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблашган.

Аҳоли автотранспортига хизмат кўрсатиш корхоналарида, жумладан, “СамТТМ — Такси” МЧЖда моддий ресурслар айланма маблағларнинг асосий қисмини ташкил этади. Улар корхонанинг ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлар ҳисобига шакллантирилади. Жалб қилинган маблағлар — банк кредитлари ва кредитор қарзлардир.

Корхоналарнинг ўз айланма маблағлари, яъни муомаладаги ўз маблағлари — айланма маблағларни шакллантирувчи асосий манбани тавсифловчи муҳим кўрсаткич ҳисобланади. У қуйидаги формула орқали аниқланади⁶:

$$\text{ЎзАйМ} = \text{ЎзММ} + (\text{Уз.м.кр ва қарзлар} - \text{Айланишдаги уз.м.қарзлар}) - \text{Уз.м.акт.},$$

бу ерда: ЎзАйМ – ўз айланма маблағлари;

ЎзММ – ўз маблағлари манбалари;

Уз.м.кр ва қарзлар – узоқ муддатли кредит ва қарзлар;

Уз.м.акт. – узоқ муддатли активлар.

⁶ Абдукаримов И.Т. Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1999, 101 бет.

1.1-жадвал малумотларидан кўришиб турибдики “СамТТМ — Такси” МЧЖнинг айланма маблағлари 2012 йил 1 январь ҳолатига 18120,4 минг сўмни ташкил этган. Бу 2010 йил 1 январь ҳолатига нисбатан 13210,3 минг сўм кам демакдир. Айни пайтда, унинг ўз айланма маблағлари миқдори ҳам, ўрганилаётган даврда, 109,4 минг сўмга қисқарган. Масаланинг эътиборли томони шундаки, 2012 йил 1 январь ҳолатида корхона ўз маблағларининг айланма маблағларни шакллантиришдаги ҳиссаси 30,9 фоизни ташкил этган ва 2010 йил 1 январь ҳолатига қиёсан 162,5 фоизга ёки 6,3 баробарга пасайган.

1.1-жадвал.

“СамТТМ — Такси” МЧЖ ўз айланма маблағлари ҳолати тавсифи

№ т/р	Кўрсаткичлар	Ўл-чов бирлиги	1.01.2010 йилга	1.01.2011 йилга	1.01.2012 йилга
1.	Айланма маблағлар (айланишдаги активлар)	минг сўм	31330,7	31330,7	18120,4
2.	Ўз маблағлар манбалари	минг сўм	30203,4	30204,3	30094,0
3.	Узоқ муддатли кредит ва қарзлар	минг сўм	-	-	-
4.	Узоқ муддатли активлар	минг сўм	944,0	10944,0	24492,5
5.	Ўз айланма маблағлари (2+3—5)	минг сўм	60590,1	19260,3	5601,5
6.	Айланма маблағларда ўз маблағлари улуши(5x100:1)	%	193,4	61,5	30,9

Айланма маблағларнинг умумий суммасида ўз маблағларининг устунлик қилиши корхонанинг молиявий барқарорлигидан дарак беради.

Ўз айланма маблағларининг корхона ўз маблағларидаги улуши муомалада қанча ўз маблағларининг борлигини кўрсатади. Бу кўрсаткич маблағ (капитал)нинг ҳаракатчанлиги деб ҳам аталади. Муомалада ўз

маблағларининг улуши қанча кўп бўлса, корхона капитали шунча ҳаракатчан бўлади ва маблағлар муомалага тезроқ қайтарилади.

Корхоналарнинг иқтисодий ахволи нисбатан барқарор бўлмаган ҳолларда, яъни, корхоналар моддий ресурсларини сотиб олишлари учун ўз маблағларига эга бўлмаган ҳолларда қисқа муддатли банк кредитидан ҳам фойдаланишлари мумкин.

2 - боб. “СамТТМ — Такси” МЧЖнинг моддий ресурслар билан таъминланганлиги таҳлили

2.1. “СамТТМ — Такси” МЧЖнинг ташкилий-иқтисодий тавсифи

Мамлакатимизда турли мулкчиликка асосланган иқтисодиёт шаклланмоқда. Мулк ижтимоий меҳнатнинг маҳсули ҳисобланади. У ҳар қандай жамиятда ишлаб чиқариш муносабатларининг асосини ташкил этади ва уларнинг хусусиятларини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53- моддасида: “Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган иқтисодиётнинг негизини ... мулк ташкил этади”⁷, дейилган.

Юртимизда мулкчилик муносабатларинг ҳуқуқий базалари яратилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги қонуннинг кириш қисмида: “Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг самарали амал қилишига ва халқ фаровонлигининг ўсишига имконият яратувчи ҳар қандай шаклдаги мулкчилик бўлишига руҳсат берилади”⁸, деб таъкидланган.

Маълумки, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш муносабати билан турли мулк кўринишидаги корхоналарнинг ташкил топишига замин яратди. Шундай корхоналар

⁷ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: Ўн иккинчи чакириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган. – Т.: Ўзбекистон, 2008, 11 бет.

⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги қонуни, 1990 йил 31 октябрь.

жумласига “СамТТМ — Такси” МЧЖ киради. У 2004 йил 20 апрелдаги муассислар йиғилиши қарори, 2004 йил 20 апрелдаги таъсис шартномаси асосида, “Таксомотор комбинати” ОАЖ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги УП-3202-сонли фармони ва “Таксомотор комбинати” ОАЖ акционерларининг 2004 йил 20 апрелдаги умумий йиғилиши қарорига мувофиқ тўлиқ ворислик шартларида қайта тузиш билан ташкил этилган.

Бошқа ҳуқуқий шаклига қайта ташкил қилинган “Таксомотор комбинати” акционерлик жамияти давлат корхонасини хусусийлаштириш натижасида ташкил топган ва Давлат мулки қўмитаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармасининг 1995 йил 24 мартдаги 256-П рақамли буйруғи асосида Самарқанд шаҳри Боғишамол туман ҳокимиятида 1998 йил 5 октябрдаги 125-К рақамли қарори билан Давлат рўйхатидан ўтказилган.

“СамТТМ — Такси” МЧЖнинг асосий мақсади аҳолини иш жойи билан таъминлаш, уларнинг ҳар хил турдаги маҳсулотларга ҳамда турли хилдаги хизматларга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, шунингдек, тадбиркорликдан фойда (даромад) олишдан иборатдир.

Жамият ўз иш фаолиятини юритишда мустақил ҳисобланиб, ҳокимликлар ва давлат бошқарув органлари унинг иш юритиш фаолиятига аралаштириш ҳуқуқига эга эмас. У ўз Уставида акс эттирилган ҳамда қонун, қонун ости ҳужжатлари билан аниқланмаган ва таъсис ҳужжатларида кўрсатилмаган ҳар қандай фаолият тури билан (қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда) шуғулланиб келмоқда.

Жамиятнинг Устав фонди 18756,0 минг сўм миқдорида шакллантирилган. Асосий таъсисчилар — 2 та жисмоний шахс. Корхона Устав капиталидаги уларнинг улуши 44,7 ва 55,3 фоиз миқдорида белгиланган.

Унинг мол-мулки асосий фондлар ва айланма маблағлар, шунингдек, балансда акс эттирилган бошқа бойликлардан иборат. 2012 йил 1 январ ҳолатига корхона мол-мулкининг қиймати 42612,9 млн. сўмни ташкил этади.

Корхонанинг юридик манзили — Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уй.

Акционерлик жамиятнинг олий бошқарув органи – акционерларнинг умумий йиғилиши ҳисобланади. Таъсисчилар овозлари, сони уларнинг Устав капиталидаги улушлари миқдорига мувофиқ белгиланади. Умумий йиғилиш жамият фаолиятига тегишли ҳар қандай масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишга ҳақли.

Корхона 2006 – 2011 йиллар давомида юқори даромад билан фаолият кўрсатган (2.2-жадвал).

2.1-жадвал.

“СамТТМ – Такси” МЧЖнинг 2009 - 2011 йиллардаги фаолиятнинг асосий кўрсаткичлари

№ т/р	Маҳсулот(иш, хизмат) номи	2009 йил, минг сўм	2010 йил, минг сўм	2011 йил, минг сўм
1.	Техник хизмат кўрсатишдан тушган ялпи тушум	9773,4	21729,7	31729,7
2.	Техник хизмат кўрсатишдан тушган соф тушум	9773,4	21729,7	31729,7
3.	Хизматлар таннари	8537,5	9065,8	12663,9
4.	Давр ва бошқа турдаги харажатлар	10721,9	12477,7	16800,6
5.	Соф фойда (зарар) +,—	— 2184,4	+ 186,2	+ 2265,2

Манба: “СамТТМ – Такси” МЧЖнинг молиявий ҳисоботи маълумотлари.

2.1-жадвал маълумоларидан кўришиб турибдики “СамТТМ — Такси” МЧЖда техник хизмат кўрсатишдан тушган ялпи тушум 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 21956,3 минг сўмга ёки 3,2 баробарга ошган. Корхона ўрганилаётган даврнинг 2009 йили хўжалик фаолиятини 2184,4 минг сўм миқдорида зарар билан яқунлаган бўлса, 2011 йили 2265,2 минг сўм миқдорида соф фойда олиш имкониятига эга бўлди.

2009 йили корхона хўжалик фаолиятининг 2184,4 минг сўм миқдорида зарар билан яқунланишига — олдинги йилларда 3034,0 минг сўм миқдорида тўланмай қолинган фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимларнинг бюджетга ундириб олиниши асосий сабаб бўлди. Умуман олганда, корхонада барча асосий кўрсаткичлар ўсиш тенденциясига эга.

Маълумки, иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши шароитида инвесторлар корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятини ўрганиши, у ҳақда тегишли тасаввурга эга бўлишилари лозим. Шу нуқтаи назардан унинг иқтисодий-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиб чиқиш мақсадга мувофиқдир (2.2 -жадвал).

2.2-жадвал

“СамТТМ — Такси” МЧЖнинг 2009-2011 йилларда асосий фаолият

яқунлари ҳақида маълумот

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Йиллар			Ўзгариш и (+,-)
			2009	2010	2011	
2	Техник хизмат кўрсатишдан тушган соф тушум	Минг сўм	9773,4	21729,7	31729,7	21956,3
3	Хизматлар таннари	Минг сўм	8537,5	9065,8	12663,9	4126,4
4	Ўртача ходимлар сони	киши	10	14	8	-2
5	Иш ҳақи фонди	Минг сўм	2250,3	2443,4	4205,0	1954,7
6	Ўртача иш ҳақи	Минг сўм	225,0	174,5	525,6	301,6
7	Меҳнат унумдорлиги	Минг сўм	977,3	1552,1	3966,2	2988,9
8	Йил якуни бўйича соф	Минг	-2184,4	+186,2	+2265,2	+4449,6

	foyda (zarar) +,—	сўм				
9	Рентабеллик даражаси	%	— 22,35	0,86	7,14	+29,49

2.2-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, “СамТТМ — Такси” МЧЖда 2011 йилда 2009 йилга нисбатан ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш кўрсаткичлари ошган, яъни техник хизмат кўрсатиш ҳажми 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 3,2 баробарга ўсган. Ўртача йиллик ходимлар сони 2009 йилда 10 кишини, 2010 йилда 14 кишини ва 2011 йилда 8 кишини ташкил этган, яъни 2009 йилга нисбатан 2011 йилда 2 кишига камайган. Бу даврда ўртача иш ҳақи 1,3 баробарга ошган. Ходимлар иш ҳақи инфляция даражасининг ўсишига қараб оширилиб борилмоқда. Ўрганилаётган даврда меҳнат унумдорлиги 3,1 баробарга ўсган. Демак, меҳнат унумдорлигининг ўсиши ходимлар иш ҳақининг ўсишидан юқори. Бундай ҳолатни табиий деб баҳолаш мумкин, чунки унинг тескараси рўй берса корхонанинг банкротга учраши ҳеч гап эмас. Рентабеллик даражаси 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 29,49 пунктга ўсган.

“СамТТМ — Такси” МЧЖнинг 2012 йил 1 январ ҳолатига корхона баланси 2.3 -жадалда келтирилган.

Жадвал маълумотларига кўра корхона активлари таркибида узок муддатли активлар ҳиссаси 57,5 фоизга, жорий активларнинг ҳиссаси эса 42,5 фоизга тенг. Жорий активларнинг 80,4 фоизни ишлаб чиқариш захиралари 10,4 фоизини келгуси давр харажатлари ва 9,2 фоизини кассадаги пул маблағлари ташкил этади. Корхона пасивларининг 70,6 фоизини ўз маблағлари 29,4 фоизини жорий мажбуриятлар ташкил этади.

2.3- жадвал

**“СамТТМ — Такси” МЧЖнинг 2012 йил 1 январ ҳолатига
бухгалтерия баланси**

Активлар	Минг сўм	Пассивлар	Минг сўм
I. Узок муддатли активлар:		I. Ўз маблағлари манбалари:	
Асосий воситалар	24492,5	Устав капитали	18756,0

(қолдиқ қиймати)			
II. Жорий активлар:		Қўшимча капитал	6571,9
Ишлаб чиқариш захиралари	14565,7	Резерв капитали	1464,4
Дебиторлар	-	Тақсимланмаган фойда	3301,7
Келгуси давр харажатлари	1884,0	II. Мажбуриятлар:	
Кассадаги пул маблағлари	1670,7	Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар	4564,4
Ҳисоблашиш счётидаги пул маблағлари	-	Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзлар	4098,5
Бошқа пул маблағлари ва эквивалентлари	-	Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз	3856,0
Бошқа жорий активлар		Жорий мажбуриятлар	
Жами	42612,9	Жами	42612,9

Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш ва ўстиришга эришиш ҳамда такрор ишлаб чиқариш жараёнлари учун қулай шарт-шароит ва меъёрий ҳуқуқий асослар яратилди. Миллий иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар рўй бермоқда. Бунда асосий эътибор ишлаб чиқаришни, айниқса саноатлаштирилган иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиёти ўзини-ўзи ривожлантириш учун бой ресурсларга эга эканлиги билан яқин хорижий мамлакатлардаги ҳолатлардан фарқ қилади. Мамлакатнинг барча ички манбалари ҳаракатга келтирилган, шунингдек, давлат бюджети тақчиллигига ҳам барҳам берилган.

Кўпчилик хўжалик юритувчи субъектлар ўз маблағларини ишлаб чиқаришни кенгайтиришга йўналтирмоқдалар. Айти пайтда, улар кўпроқ узоқ муддатли ва юқори фойда келтирувчи ишлаб чиқариш соҳаларига маблағ киритмоқдалар.

2.2. Корхонада моддий ресурсларни нормалаштириш ҳолати

Миллий иқтисодиётнинг барча тармоқларида, жумладан, транспорт корхоналарида моддий ресурсларга бўлган эҳтиёж нормалаштириш асосида аниқланади.

Нормалаштириш тизими бир неча ўн йиллардан бери қўлланилиб келинаётир ва у ўзини тўлиқ оқлади.

Моддий ресурсларни нормалаштириш — иқтисоий ва молиявий ишларнинг муҳим буғинларидан биридир. Бу ишларни бажаришда, аввало, моддий ресурсларнинг ҳар бир элементлари бўйича нисбий кўрсаткичларда ифодаланадиган нормани аниқлаш, сўнгра эса абсолют суммаларда нормативлар белгилаш талаб қилинади.

Нормалаштириш — бу моддий ресурсларнинг ҳар бир элементига оптимал миқдорда маблағ қўйишдан иборатдир. Иқтисодий жиҳатдан асосланган нормалаштириш бўлмас экан хўжалик оборотида маблағлар оқилона жойлаштирилмайди. Айрим активларга кўпроқ, айримларига эса камроқ маблағлар қўйилиши мумкин. Оқибатда моддий ресурсларнинг самарадорлиги пасайиб кетади.

Моддий ресурсларни нормалаштириш орқали уларнинг доиравий айланишини тўғри ва оқилона ишлатилиши таъминланади. Нормалаштириш корхоналарнинг моддий ресурсларда қатнашаётган ўз маблағлари билан қарзга олиннадиган маблағларни оптимал боғлашда муҳим аҳамиятга эга.

Моддий ресурсларни нормалаштириш орқали маблағларнинг доиравий айланишини тўғри ташкил этишга, уларнинг самарадорлигини ошириш ҳамда моддий ресурсларнинг ҳар бир элементида корхона ўз маблағининг оқилона жойлаштирилиши таъминланади.

Иқтисодий жиҳатдан асосли қўйилган, белгиланган нормативлар моддий ресурсларни ташкил этишда муҳимдир, чунки моддий ресурсларга қўйилган маблағларнинг ҳажмидан ишлаб чиқариш корхоналарида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлаш боғлиқдир.

Нормалаштиришда қуйидаги тамойилларга амал қилиниши керак:

- нормалаштириш корхоналарнинг ишлаб чиқариш дастурига

асосланган бўлиши;

- нормалар узок муддатга мўлжалланган бўлиши;
- норма ва нормативларни белгилашда ҳамма етакчи мутахассисларнинг қатнашиши.

Шуни таъкидлаш лозимки, нормалар бир неча йилга ўзгармас қилиб белгиланса, нормативлар ҳар йили янгиланиб турилади. Дастлаб моддий ресурсларнинг ҳар бир элементига норматив қўйилиб у якка норматив деб аталади. Бу якка нормативлар жамланиб умумий норматив аниқланади.

Нормалар ишлаб чиқариш корхоналарининг хом ашёлар, ёқилғи ва ҳоказолар билан таъминланишида, ишлаб чиқаришни ташкил этишда ва унинг технологиясида ўзгариш бўлганида қайтадан кўриб чиқилиши, уларга аниқлик киритилиши мумкин.

Нормалар одатда нисбий кўрсаткичларда (неча кунлик захира, истеъмолга нисбатан фоиз ҳоказолар) белгиланади. Уларга асосланган ҳолда норматив қўйилади.

Моддий ресурсларнинг нормативи — бу моддий бойликлар захираларининг пулдаги ифодасидир. Моддий ресурсларнинг ҳар бир элементи бўйича нормативлар ҳар йили янгиланиб турилади.

Ишлаб чиқариш корхоналарида нормалаштириладиган моддий ресурсларга — хом ашёлар, материаллар, ёқилғи захиралари, хўжалик инвентарлари ва бошқалар киради.

Ишлаб чиқариш корхоналарида хом ашё ва материаллар бўйича норма, уларнинг неча кунда (шартнома асосида) корхонага етказиб берилиши, омборга ташилиши, қуритилиши ва навларга ажратилишига қанча вақт сарфланиши ҳамда суғурта захираси сифатида омборда сақланиш муддатига кўра белгиланади. Амалиётда, захира сифатида омборда сақланадиган хом ашё ва материаллар бўйича норматив (улар жорий захирасининг 50 фоизига тенг миқдорда) шакллантирилади.

$$H = P \times T,$$

бу ерда: Н – хом ашё ёки материал бўйича норматив суммаси;

Р – ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашё ёки материалнинг бир кунлик сарфи, сўмда;

Т - хом ашё ёки материал захираси бўйича норма, кунларда.

“СамТТМ — Такси” МЧЖга шартнома асосида, хом ашё ва материаллар транспорт воситасида ҳар 30 кунда етказиб берилади..

2.4 - жадвал “СамТТМ — Такси” МЧЖда 2012 йил 1-нчи чорак учун хом ашё ва материаллар бўйича жорий норматив 14565,7 минг сўм, суғурта захираси сифатида омборда сақланадиган хом ашё ва материаллар бўйича норматив 7282,8 минг сўм.

Демак, хом ашё бўйича умумий норматив 21848,5 (14565,7 + 7282,8) минг сўмга тенг.

Ёқилғи бўйича (газдан ташқари) норматив қўйишда хом ашё ва материалларга норматив қўйиш тартиби қўлланилади.

2.4 - жадвал

“СамТТМ — Такси” МЧЖда 2012 йил 1-нчи чорак учун хом ашё
ва материаллар бўйича нормативлар

т/р	Хом ашё ва материаллар	Бир кунлик сарф, минг сўм	Норма, кунлар да	Хом ашё ва материаллар бўйича норматив, минг сўм	Суғурта захира-си, минг сўм	Умумий норматив, минг сўм
1.	Мотор мойи	105,3	30	3160,0	1580,0	4740,0
2.	Мой фильтри	16,5	30	495,0	247,5	742,5
3.	Антифриз	41,6	30	1250,0	625,0	1875,0
4.	Прокладка головки	21,6	30	648,0	324,0	972,0
5.	Тишли тасма	28,8	30	862,5	431,3	1293,8
6.	Тасмани торгич	26,6	30	800,0	400,0	1200,0
7.	Сечи зажигания	30,4	30	912,0	456,0	1368,0
8.	Ҳаво фильтри	15,7	30	470,4	235,2	705,6
9.	Совутиш бачоги	7,5	30	224,0	112,0	336,0
10.	Геретика	7,0	30	210,0	105,0	315,0
11.	Клапанлар қапқоғи прокладкаси	17,0	30	510,3	255,2	765,5
12.	Радиатор потрубкалари	9,9	30	297,0	148,5	445,5
13.	Сапун шланг	10,8	30	324,0	162,0	486,0
14.	Маятник	17,5	30	526,5	263,3	789,8
15.	Амортизатор чашкаси	11,5	30	346,5	173,3	519,8
16.	Амортизатор	106,4	30	3192,0	1596,0	4788,0
17.	Гидравлика суюқлиги	11,3	30	337,5	168,5	506,3
	Жами	485,5	30	14565,7	7282,8	21848,5

Моддий ресурсларни нормалаштириш ҳар бир корхонада улардан тўғри фойдаланиши устидан доимий равишда назорат қилиб туриш учун катта аҳамиятга эгадир. Уларни нормалаштириш тижорат ҳисобини мустаҳкамлашнинг ҳамда корхона молиявий аҳволининг барқарорлигини таъминлашнинг шартларидан биридир.

Шуни таъкидлаш лозимки, ишлаб чиқариш корхоналарида нафақат моддий ресурслар захиралари, айти пайтда, уларнинг сарфланиши бўйича ҳам нормативлар белгиланади.

Моддий ресурслар сарфини нормалаштириш — белгиланган сифатда маҳсулот ишлаб чиқаришга ёки маълум бир миқдордаги ишни бажаришга кетган хом ашё, материал, ёқилғи, энергиянинг максимал йўл қўйиладиган сарфини кўрсатувчи режа миқдори. Моддий қўшимча манбаларнинг сарф нормасини ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиш характериға кўра асосий материалларнинг сарфини ва ёрдамчи материаллар сарфини аниқлаш каби икки турға бўлинади.

Асосий материал деб бевосита маҳсулот тайёрланадиган материалларға айтилади. Асосий материаллар сарфи нормаси ишлаб чиқариш технологиясининг мукамаллаши даражасига қараб белгиланади. Бу биринчи нормалар, уларни ишлаб чиқариш жараёни давомида йўқотиш қийин бўлган исрофгарчилик ва чиқиндилар (масалан, бўяшдан кейин чўткада қолган бўёқ)ни ҳисобға олган ҳолда тузилади.

Материалларни сарф қилишнинг назорати уларнинг доимий сарфи билан белгиланган ишлаб чиқариш нормаларини чоғиштириш асосида амалға оширилади.

Ёрдамчи материал деб ишлаб чиқариш жараёнида ишлатиладиган, лекин тайёр маҳсулотларға (турли тозалаш материаллари, материалларни ишлаш учун кислоталар ва бошқалар) кирмайдиган материалларға айтилади. Бундан ташқари технологик чиқиндилар ва йўқотишларнинг белгиланган нормаси, ишлаб чиқаришда материаллардан фойдаланиш коэффиенти, хом ашёда мавжуд бўлган фойдали моддадан фойдаланиш даражасини характерловчи дастлабки хом ашёдан фойдали компонентларни ажратиб олиш коэффиенти ва бошқалар ҳам мавжуд.

Моддий ресурслардан самарали фойдаланиш ишлаб чиқариш корхоналарининг муҳим вазифаларидан биридир. Улардан қанча яхши

фойдалансак, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар хажми шунчалик юқори бўлади.

Ишлаб чиқариш корхоналарида сарфлари ва улардан фойдаланиш кўрсаткичлари бир биридан фарқ қилади.

Моддий ресурс сарфи кўрсаткичи ишлаб чиқариш корхонаси истеъмолини ифодалайди. У ҳисобот даврида корхона ишлаб чиқариш дастурининг бажарилиши учун кетган барча моддий ресурслар сарфидир.

Моддий ресурслар сарфи натурал ва қиймат шаклида ҳисобга олинади. Улар моддий ресурслар элементлари бўйича алоҳида-алоҳида аниқланиши мумкин. Айтайлик, маҳсулот бирлигига сарфланган ўртача материал миқдори маҳсулот ишлаб чиқариш учун кетган барча материаллар сарфини маҳсулот миқдorigа тақсимлаш орқали аниқланади. Материалдан самарали фойдаланишни тавсифловчи умумий кўрсаткич – материал сифими деб юритилади. Бу маҳсулот бирлигига, ҳақиқий сарфланган материал харажати тавсифлайди.

$$m = Q : N,$$

бу ерда: m – маҳсулот бирлигига сарфланган ўртача материал миқдори;

Q – маҳсулот ишлаб чиқариш учун кетган барча материаллар сарфи;

N - ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори.

Маҳсулот бирлигига сарфланган бир неча турдаги материаллар миқдори:

$$M = \frac{\varepsilon Q \cdot P}{N}$$

бу ерда: P – материаллар эркин бозор улгуржи баҳоси.

Корхоналарда ишлаб чиқариш дастурини тузиб чиқиш ва хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда материаллардан фойдаланиш даражаси кўрсаткичи қўлланилади. Бу кўрсаткич ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида материаллардан фойдаланишни иложи борича тўлиқ ифодалайди.

2.3. Корхонанинг моддий ресурслар билан таъминланганлик таҳлили

Ўтиш даврини бошидан кечираётган барча мамлакатлардаги сингари Ўзбекистонда ҳам мулкнинг давлат тасарруфидан чиқарилиши ва хусусийлаштирилиши ҳамда хорижий инвестицияли корхоналарнинг пайдо бўлиши натижасида турлича мулкчиликка асосланган корхоналар шаклланди. Уларга қонун доирасида ҳаракат қилиш мустақиллиги берилди. Иқтисодий муносабатларнинг ривожлантирилиши натижасида уларга берилган иқтисодий–молиявий мустақиллик янада кенгайиб бормоқда. Улар талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда (истеъмолчилар талаб–эҳтиёжини қондириш орқали) кўпроқ фойда олиш мақсадида ўзларининг ишлаб чиқариш фаолиятларини қонун доирасида эркин мустақил амалга оширмоқдалар. Табиийки, бундай шароитда ишлаб чиқариш корхоналари моддий ресурс таъминоти масалаларига алоҳида эътибор қаратади.

Шу сабабли ҳам корхоналар ўз мақсадларига муваффақиятли эришиш учун ишлаб чиқаришни моддий ресурслар билан таъминлаш жараёнининг бажарилишига алоҳида эътибор берадилар. Улар аниқланган, яъни, ишлаб чиқариш учун зарур бўлган моддий ресурсларнинг янги турлари мавжудлигини ҳамда уларнинг жаҳон бозорида таклиф қилинганлиги ўрганишади. Ва ўзлари учун зарур бўлган моддий ресурсларининг яхшиларини, яъни самаралисини олишга ҳаракат қиладилар.

Корхоналар моддий ресурслар маркетингини, яъни бозорини ўрганиш билан биргаликда уларни қайси бозор инфратизимларидан сотиб олиш

мумкинлигини белгилайдилар. Сўнгра товар ва хомашё биржалари, сотувчилар томонидан ташкил этилаётган кўрғазмалар ҳамда хом ашё, материаллар ва бошқа моддий ресурсларни ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ўзлари билан бевосита алоқаларни ўрнатадилар. Натижада моддий ресурсларни етказиб берувчилар билан қисқа муддатли ҳамда узок муддатли, айрим ҳолларда эса бир марталик кучга эга бўлган шартномалар тузилади. Бу шартномаларда моддий ресурсларни етказиб берувчиларнинг бурчлари, вазифалари батафсил акс эттирилади.

“СамТТМ — Такси” МЧЖ керакли хом ашё ва материалларни етказиб берувчилар билан шартномалар тузган. Унда хом ашё ва материалларнинг қайси муддатларда, қандай ҳолатда, қаерга ҳамда қандай баҳоларда етказиб беришли акс эттирилган.

“СамТТМ — Такси” МЧЖ моддий ресурсларни олиб чикиб кетишни уз зиммасига олган ҳолатлар бўлади. Бундай ҳолларда моддий ресурслар унинг баҳоси нисбатан арзон бўлади. Чунки моддий ресурсларнинг корхонагача тўла-тўқис етиб келишига жавобгарликни сотиб олувчи, яъни “СамТТМ — Такси” МЧЖ зиммасида қолади.

Корхонанинг моддий ресурслари билан таъминланиши моддий таъминоти режасининг объектив равишда белгиланганлигини аниқлашдан бошланади.

Моддий ресурсларга бўлган талабни аниқлашда хом ашё, ёқилғи-мойлаш ва бошқа материаллар бўйича белгиланган нормалардан қандай фойдаланилганлиги, хом ашёга бўлган талабни аниқлашда, ундан қай даражада фойдаланилганлиги текширилади.

Ишлаб чиқариш жараёнининг бир маромда амалга оширилиши, кўп жиҳатдан корхонанинг моддий ресурслар билан тўлиқ таъминланганлигига боғлиқдир.

Корхонанинг моддий ресурсларга бўлган эҳтиёжи икки манба ҳисобига кондирилади.

1. Ташки таъминот.

2. Ички таъминот.

Ташки таъминот деганда — ташки корхоналар, хомашё биржалари билан тузилган шартномага асосан моддий ресурсларни четдан етказиб берувчилардан келиб тушиши тушунилади..

Ички таъминот деганда — ички ресурслардан самарали фойдаланиш, чиқиндиларни камайтириш, тежаш режасига риоя қилиш кабилар тушунилади.

Таҳлил натижасида материал етказиш режасининг бажармаганлик сабабларини батафсил аниқлаш талаб этилади. Унга сабаб бўлиб материал ресурсларини етказиб берувчилар ҳамда уларни сотиб олувчилар, айрим ҳолларда эса уртада тўрган бозор инфра тизилмалари ҳисобланиши мумкин. Бу сабаблар ўрганилганидан сунг уларни бартараф этиш режалари, тадбирлари тузилади.

Маълумки, корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнларининг натижаси ҳамда самарадорлиги, уларнинг материал ресурслари билан таъминланганлигига бевосита боғлиқдир. Чунки, корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг хажми, сифати улардаги материал ресурсларининг талаб даражасида бўлишлигини объектив равишда тақазо этади. Шунинг билан биргаликда хом ашё ва материаллар (универсаллиги, янгилиги ҳамда арзонлиги нуқтаи назаридан) замон талабига ҳам мос келиши лозим.

Корхоналарнинг материал ресурсларига бўлган талабини аниқлашда меъёрий маълумотлардан фойдаланиш лозим. Ишлаб чиқариш корхоналари бизнес режаларида маҳсулот(иш, хизмат)лар миқдори, ишлаб чиқариш учун зарур бўлган материал ресурсларининг миқдори ва қиймати аниқланади — қанча хом ашё, қанча материаллар ва бошқа моддий ресурслар сарфланиши бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб-китоблар қилинади.

Корхоналарнинг ўзларидаги мавжуд бўлган материал ресурсларининг йил бошига бўлган миқдори йиллик инвентаризация натижасида аниқланади. Уларда мавжуд бўлган материал ресурслар корхона ишлаб чиқаришининг

давомийлигини таъминлаш учун етарли бўлмаса, корхоналарни зарур бўлган материал ресурслари билан таъминлаш борасидаги шартномалар тузилади.

Корхоналарга сотиб олинаётган материал ресурсларининг оқими натижасида уларнинг материал ресурслари билан таъминланганлик даражаси ортиб боради.

“СамТТМ — Такси” МЧЖнинг ихтиёрида 2012 йил бошига 14565,7 млн. сўмлик материал ресурсларининг мавжудлиги балансида кўрсатилган. Корхонага эса, ишлаб чиқаришнинг бир маромда рўй бериши учун, режага мувофиқ 21848,5 минг сўмлик хом ашё ва материаллар зарурлиги аниқланган. Демак, корхона учун уларга бўлган талаб тўлиқ кондирилаётгани йўқ. Бу масалани ҳал этиш учун корхона кўшимча 7282,8 минг сўмга материал ресурсларини сотиб олишни режалаштиради. У шу масала бўйича тузилган шартномаларда ўз аксини топади. Корхонанинг моддий ресурслар билан таъминотини ҳал этилиши натижасида йил давомида 4505,0 минг сўмлик материал ресурслари сотиб олинган. Бунда корхонанинг материал ресурслар билан таъминланганлик даражаси 87,3 фоизни ташкил этган бўлади: $(14565,7+4505,0) : 21848,5 = 87,3$ фоиз

Келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, корхона материал ресурслари билан тўлиқ таъминланмаган, яъни, уларнинг миқдори 12,7 фоизга кам бўлган. Бу ҳол корхона ишлаб чиқариш фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Корхона материал ресурсларининг таҳлили натижасида, улар билан тўлиқ таъминланмаганлик фактлари аниқланса, у ҳолда унинг келиб чиқиш сабаблари ўрганилади. Шунинг билан биргаликда ушбу салбий натижаларни бартараф этиш имкониятлари ва чора тadbирлари белгиланади.

Моддий ресурслардан самарали фойдаланишни йулга куйишда иқтисодий таҳлилнинг аҳамияти каттадир. Корхонада моддий ресурслардан кай даражада фойдаланилаётганлигини таҳлил этиш натижасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга сарфланаётган харажатларни тежаш мақсадида фойдаланилмай колган ички имкониятларни топиш мумкин.

Иқтисодий муносабатларнинг эркинлаштирилиши шароитида корхоналарнинг моддий ресурслар билан таъминланганлигини ва улардан самарали фойдаланишни таҳлил этишда куйидагиларга эътибор қаратиш ўта зарур ҳисобланади:

- корхоналарнинг зарурий моддий ресурслари билан таъминланганлик даражасини аниқлаш;
- моддий ресурсларни корхонага етказиб бериш хажмини, комплекслилиги, сифатлилиги, сортлилиги ҳамда маромийлигининг даражасини белгилаш;
- моддий ресурсларни етказиб бериш борасида корхоналараро тузиладиган шартномаларнинг ўз вақтида тузилганлигини аниқлаш;
- моддий техника таъминоти белгиланган режасининг ҳақиқатга яқинлигини текшириш;
- транспорт тайёрлов харажатларини ҳисоблаш;
- материаллардан самарали фойдаланиш кўрсаткичларини аниқлаш ва уларни маҳсулот хажмига ҳамда унинг таннархига таъсирини миқдор жиҳатдан ҳисоблаш;
- хом ашё, ёкилги ва материалларга баҳо беришда фойдаланилмай колган ички имкониятларини аниқлаш, таҳлил этиш ва бошқалар.

Таҳлил учун зарурий маълумотлар моддий ресурс таъминоти режаси, хом ашё ва материаллар бўйича тузилган шартнома ҳамда моддий ресурслар мавжудлиги ва улардан фойдаланишнинг статистик ҳисоботидан олинади. Корхоналарда меҳнат предметларидан фойдаланишни таҳлил этишда уларнинг сарфланиши бўйича ўрнатилган меъёрий маълумотлардан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Моддий ресурслардан самарали фойдаланишга республикамиз ҳукумати томонидан ҳам доимо алоҳида эътибор қаратилмоқда. Улар қабул қилинган меъёрий ҳужжатларда — “Хусусий корхоналар тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик тўғрисида»ги, «Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги ва бошқа қонунларда ҳамда қонун ости ҳужжатларда ўз аксини

топган. Ресурслардан тежамли фойдаланиш ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ўта муҳим ҳисобланади. Бу хусусда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарида алоҳида қайд этилган.

3 - боб. “СамТТМ — Такси” МЧЖда моддий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари

Корхоналарда моддий ресурслардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи энг муҳим кўрсаткичлар қаторига материал сиғими ва материал кайтими кўрсаткичлари киради.

Материаллардан фойдаланиш самарадорлик кўрсаткичларини материал кайтими ва материал сиғими кўрсаткичлари ифодалади. Материал кайтими кўрсаткичини аниқлаш учун корхонада йил давомида ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат) қийматини материал харажатлар қийматига тақсимланади. Материал сиғими кўрсаткичи бунинг акси бўлиб, материал харажатлар қийматини корхонанинг йил давомида ишлаб чиқарилган маҳсулот(иш, хизмат) қийматига тақсимлаш йули билан аниқланади. Буни тавсифлайдиган бўлсак, ушбу кўрсаткич корхонада йил мобайнида ишлаб чиқарилган маҳсулот(иш, хизмат)нинг хар бир сўмига қанча материал харажатлари сарфланганлигини кўрсатади.

Миллий иқтисодиёт миқёсида маҳсулот (иш, хизмат)нинг материал сиғими маҳсулот яратиш, иш бажариш ва хизмат кўрсатишда истеъмол қилинган материалларнинг жами ялпи ички маҳсулотга ёки миллий даромадга нисбати кўриниши сифатида аниқланади.

$$M_{\text{сиғ}} = M_{\text{рес.}} : Y_{\text{ИМ}} ,$$

бу ерда: $M_{\text{сиғ}}$ – материал сиғими;

$M_{\text{рес.}}$ – истеъмол қилинган материаллар;

$Y_{\text{ИМ}}$ – ялпи ички маҳсулот.

Корхона миқёсида материал сиғими унда истеъмол қилинган материаллар қийматининг у ишлаб чиқарган маҳсулот, бажарган иши ва кўрсатган хизмати қийматига нисбати сифатида аниқланади.

$$M_{\text{сиғ}} = M_{\text{рес.}} : M ,$$

бу ерда: M – ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизмат қиймати.

Материал сиғимининг алоҳида кўрсаткичлари моддий ресурсларнинг айрим турларидан самарали фойдаланишни характерлайди. Улар каторига ёкилги сиғими, материал сиғими, хомашё сиғими каби кўрсаткичларни киритиш мумкин. Одатда материал сиғимининг ўзгаришга бир катор омиллар — материал харажатлар ва ишлаб чиқарган маҳсулот (бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар) ҳажми.

Материал харажатлар ҳажмига, ўз навбатида, ишлаб чиқариш ҳажми, маҳсулот (иш, хизмат)лар структураси, маҳсулот (иш, хизмат) бирлиги учун материал сарфи ва бошқалар таъсир кўрсатади. Ишлаб чиқарган маҳсулот (бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар) ҳажмига ҳам ишлаб чиқариш ҳажми, маҳсулот (иш, хизмат)лар структураси, маҳсулот (иш, хизмат) баҳоси каби омиллар таъсир этади.

3.1-жадвал

“СамТТМ — Такси” МЧЖда материал сиғими таҳлили

(минг сўм)

	Кўрсаткичлар	2009 йил	2010 йил	2011 йил
1.	Материал харажатлар	482,7	482,7	687,2
2.	Техник хизмат кўрсатишдан олинган пул тушуми	9773,4	21729,7	31729,7
3.	Материал сиғими (1 : 2)	0,05	0,02	0,02

3.1-жадвал маълумотлари асосида айтиш мумкинки “СамТТМ — Такси” МЧЖда материал сиғими ўрганилаётган даврда 0,03 минг сўмга камайган. Бу ижобий ҳолат. Аммо, буни қачон ижобий ҳолат, дейиш мумкин? Агарда, у — кўрсатилган техник хизмат сифатига салбий таъсир қилмаган бўлса.

Материал қайтими — бу сарфланган материаллар бирлиги ҳисобига ишлаб чиқарган маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизмат материал сиғимига тескари миқдордир.

$$M_{\text{қайт.}} = M : M_{\text{рес.}},$$

бу ерда: $M_{\text{қайт.}}$ — материал қайтими.

“СамТТМ — Такси” МЧЖда материал қайтими таҳлили

(минг сўм)

	Кўрсаткичлар	2009 йил	2010 йил	2011 йил
1.	Техник хизмат кўрсатишдан олинган пул тушуми	9773,4	21729,7	31729,7
2.	Материал харажатлар	482,7	482,7	687,2
3.	Материал қайтими (1 : 2)	20,2	45,0	46,2

3.2-жадвал маълумотлари асосида айтиш мумкинки “СамТТМ — Такси” МЧЖда материал қайтими ўрганилаётган даврда 2,3 баробарга ўсган. Демак, “СамТТМ — Такси” МЧЖ томонидан аҳоли автотранспортига хизмат кўрсатиш учун қилинган харажатнинг ҳар бир сўмига 2009 йилда 20,2 сўм миқдорида даромад олинган бўлса 2011 йилда бу кўрсаткич 46,2 сўмга тенг бўлган. Бу 2011-2009 йилларда корхона томонидан қилинган харажатлар самарадорлигининг 2,3 баробарга ўсганлигидан дарак беради.

Моддий ресурсларнинг айрим турларидан фойдаланиш самарадорлиги даражасини аниқлаш учун метал сиғими, энергия сиғими ва шу каби коэффициентлардан фойдаланилади.

Моддий ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги унинг элементлари ўртасидаги нисбатга боғлиқдир. Бевосита ишлаб чиқариш жараёнида банд бўлган моддий ресурсларнинг салмоғи қанчалик кўп бўлса, моддий ресурслардан шунчалик самарали фойдаланилади.

“СамТТМ — Такси” МЧЖда аҳоли автотранспортларига кўрсатилган хизматларнинг ўртача харажатлари, яъни таннархлари — кўп жиҳатдан хом ашё ва материаллардан самарали фойдаланиш кўрсаткичларига боғлиқдир.

Материал ресурслар миқдорини режалаштирилган хажмда тайёрлаш, маҳсулот ишлаб чиқариш режасини бажариш учун имконият яратади. Материал ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланилмаса ҳамда уларнинг амалиётдаги фойдаланилиши белгиланган нормаларга нисбатан ортиқча бўлса, у ҳолда келтирилган хом ашё ва материаллар аҳоли

автотранспортларига кўрсатилган хизматларнинг давомийлиги режасини бажариш учун етарли бўлмайди.

Материал ресурслардан фойдаланишни таҳлил этишдан мақсад, ишлаб чиқариш жараёнида улардан фойдаланишда ортикча сарф-харажатларга йўл қўйилган бўлса, у ҳолда кўрсатилган хизматлар хажмининг қанчага кам бўлганлиги ёки моддий ресурслардан самарали фойдаланиш натижасида қанча қўшимча хизмат кўрсатилганлигини аниқлаш бўлиб ҳисобланади.

Моддий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда ишлаб чиқаришга сарфланган материалларни назорат қилиш муҳим роль ўйнайди. Ишлаб чиқаришда материалларнинг сарфланиши устидан назорат олиб бориш — бу кўрсатилган хизматларга сарфланган материалларнинг хақиқий сонини уларнинг меъёрида кўрсатилган сони билан таққослашдир. Бу ўринда улар ўртасидаги фарқ ортикча харажат ёки тежам бўлиши мумкин. Материалларнинг сарфланиши устидан турли усуллар ёрдамида назорат олиб борилади: ҳужжатлаштириш, инвентар, партия бўйича, бичиш ва бошқалар.

Биринчи усул ёрдамида материалнинг бир турини иккинчи тур билан алмаштирилганда вужудга келадиган фарқ ҳисобга олиниб, талабнома билан расмийлаштирилади. Ушбу ҳужжатда материалнинг меъёр бўйича сарфлаш сони ва алмаштирилган материалнинг сарфланиши хусусида маълумотлар кўрсатилиб, уларни таққослаш натижасида фарқ аниқланади.

Материал ресурслардан тўғри фойдаланиш мақсадида ҳар бир корхона зарур бўлмаган материалларнинг бор ёки йўқлигини текшириб кўриши лозим.

“СамТТМ — Такси” МЧЖда ишлаб чиқариш харажатларининг таркибида асосий улушни — 60-80 фоизини бевосита материал харажатлари ташкил этади. Шу жиҳатдан материал харажатларининг ўзгариши ва ўзгариш сабабларини ўрганишдаги муҳим вазифа, уларни (аҳоли автотранспортига хизмат кўрсатиш хажмининг камайишига йўл қўймаган ҳолда) иқтисод қилиш ва улардан самарали фойдаланишдир. Шу сабабли хизмат таннархини пасайтириш резервларини аниқлаш мақсадида материал харажати режага

нисбатан ўзгариш сабаблари аниқламоқ лозим.

Таҳлил учун керакли маълумотлар аҳоли автотранспортига хизмат кўрсатиш калькуляцияси номли ҳисобот шаклидан олинади. Бу ҳисобот шаклида кўрсатилган хизмат бирлигининг ишлаб чиқариш учун сарфланган материаллар турлари, уларнинг миқдори, материал баҳоси келтирилган. Хизмат бирлиги учун сарфланган материаллар харажатини аниқлаш учун кўрсатилган хизмат бирлигига сарфланган материаллар миқдорини материал баҳосига кўпайтириш лозим.

Материал харажатлар кўрсатиладиган хизмат хажмининг ўзгаришига таъсир килувчи ўзгарувчан харажатлар ҳисобланади. Шу боис уларнинг ўзгаришини ўрганишда, албатта, ўзаро алоқадорлик даражасига ҳам аҳамият бериш талаб этилади. Бунда кўрсатилган хизматнинг ҳар бир сўмлик хажмига тўғри келадиган ёки ишлаб чиқариш харажатларининг материал сифими кўрсаткичларига муҳим эътибор берилиши лозим.

Материал харажатлар ўзгаришга таъсир этувчи омилларнинг бир неча жиҳатини келтириш мумкин. Лекин ҳисоб-китоб қилинадиган икки омилни эътиборга олиш лозим. Булар, материал харажатлар сарф нормаси ҳамда материал харажатлар баҳосининг ўзгаришдир.

Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши шароитида режанинг аҳамияти тобора ошиб боради. Бирор бир ишлаб чиқариш, хусусан, тижорат ғоясини режасиз амалга ошириб бўлмаслигини ишбилармон ва тадбиркорлар тушуниб етишган бўлишлари керак. Ҳар бир корхона ўзининг ишлаб чиқариш фаолиятини ҳамда келгусида амалга ошириши мумкин бўлган тактик ва стратегик режаларини бизнес режасида акс эттиради. Аммо,

У корхонанинг иш жараёнини тасвирлаб, корхона раҳбарининг ўз мақсадларига қандай эришишларини, биринчи навбатда ишнинг даромад келтиришини қай тариха ошириш мумкинлигини кўрсатиб беради. Сифатли ишлаб чиқилган бизнес-режа корхонанинг иқтисодий бақувват бўлишига ва ўз тараққиётининг истиқболларини белгилаб олишга ёрдам беради.

“СамТТМ — Такси” МЧЖ фаолиятини ўрганиш жараёнида, унда

бизнес-режа тузилмаслиги маълум бўлди. Бизнинг фикримизча, корхона бундай режани тузса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Унда кўзда тутилган ишлар қанчалик даражада амалга оширилганлигини ўрганиш мулкдорлар учун аҳамиятлидир.

Аҳоли автотранспортига хизмат кўрсатиш корхоналарида, жумладан, “СамТТМ — Такси” МЧЖда моддий ресурслар айланма маблағларнинг асосий қисмини ташкил этади.

Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигига баҳо бериш учун уларни тавсифловчи кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқиш, бу кўрсаткичларни олдинги йиллар ва бизнес режа маълумотлари билан қиёслаш ҳамда вужудга келган фарқларга таъсир этган омилларни аниқлаш зарур. Омиллар таъсирини ўрганиш — айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш йўллари белгилашда асос бўлади.

Амалиётда айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги уларнинг айланиш коэффиценти билан ўлчанади. У бир йил ичида сотилган маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизмат қийматининг айланма маблағларнинг ўртача қолдиғига нисбати сифатида аниқланади.

Айланма маблағларнинг айланиш коэффиценти айланишлар сонини ва айна вақтда айланма маблағлар самарадорлигини, яъни айланма маблағларнинг бир сўмига тўғри келадиган сотилган маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизмат суммасини кўрсатиб беради.

3.3 -жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2011 йилда “СамТТМ — Такси” МЧЖда айланма маблағлардан фойдаланишда ўтган йилга қиёсан бир мунча яхшиланган. Ҳисобот йилида айланма маблағларнинг айланувчанлиги 280,5 кунни ($31330,7 : 21729,7 \times 360$) ташкил қилган ва 2009 йилга нисбатан 939,2 кунга тезлашган ($280,5 - 1219,7$). Айланма маблағлар рентабеллиги ҳам олдинги йилларга нисбатан яхшиланган ва 9,16 фоизни ташкил қилган. Бу 2009 йилга қараганда 2,56 фоизга кўп ($9,16 - 6,60$).

“СамТТМ — Такси” МЧЖда айланма маблағлардан фойдаланиш
самарадорлиги

	Кўрсаткичлар	2009 йил	2010 йил	2011 йил
1.	Техник хизмат кўрсатишдан олинган тушум, минг сўм	9773,4	21729,7	31729,7
2.	Бир кунлик тушум, сўм	27148	60360	88138
3.	Соф фойда, минг сўм	2184,4	186,2	2265,2
4.	Айланма маблағларнинг йиллик ўртача суммаси, минг сўм	33115,6	31330,7	24725,6
5.	Айланма маблағлар айланувчанлиги:			
	- кунларда	1219,7	519,1	280,5
	- марта	— 0,3	— 0,7	1,3
6.	Айланма маблағлар рентабеллиги, %	6,60	0,59	9,16
7.	Айланма маблағлар самарадорлиги, сўм (1 : 4)	295	694	1283

Айланма маблағлар самарадорлиги 2011 йили 2009 йилга қараганда 988 сўмга кўпайган. Бироқ, айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини (қиёсан олдинги йилларга кўра яхшиланганига қарамай) яхши деб бўлмайди. Чунки, корхонада айланма маблағларнинг айланувчанлиги жуда паст — 280,5 кун ёки 9 ойдан кўпроқ. Бир йилда улар бор йўғи 1,3 марта айланади (360 : 280,5).

Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигига кўп сонли омиллар, жумладан, хизмат кўрсатиш ҳажми, айланма маблағлар суммаси, айланма маблағлар таркиби ва бошқалар таъсир этади.

4 - боб. “СамТТМ — Такси” МЧЖда меҳнат ва ёнгин хавфсизлигини таъминлаш масалалари

4.1. Меҳнат хавфсизлигини таъминлаш масалалари

Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда олиб борилаётган кенг камравли тадбирлар мажмуасида аҳоли ва ҳудудларни турли вазиятлардан муҳофаза қилиш, инсон хавфсизлиги ва саломатлигини сақлаш алоҳида ўрин тутди. Шунинг учун ҳам бу масалалар давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Мамлакат мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ фуқоралар ҳаёт шароитини яхшилаш, уларни турли таъсирлардан сақлаш ва ҳар қандай ҳолатларда муҳофаза этиш мақсад қилиб олинган.

Ҳаёт фаоляти хавфсизлиги тушунчаси ўз ичига инсоннинг яшашида ва фаолият олиб боришида муҳитнинг хавфсиз бўлишини, табиий ва техноген хусусиятли вазиятлардан сақланишини, уруш ва терроризм хуружидан ҳимояланишини, табиат ва одамзод уйғунлигининг сақланишини таъминлаш тушинилади. Умуман олганда ҳаёт фаоляти хавфсизлиги — бу инсоннинг шу заминдаги турмуши хавфсизлигини таъминлашдир.

Маълумки, Ўзбекистон табиий офатлар (ер силкиниши, ер силжиши, сел, сув тошқини ва ҳоказолар) тез-тез бўлишига мойил ўлка бўлганлиги ҳамда экологик мувозанатнинг бузилиши фуқаролар ҳаётини муҳофаза этиш, табиатни асраш ва турли офатлардан зарар кўрган ҳудудларда кутқариш-тиклаш ишларини олиб бориш жуда муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Юртимиз минтақаси учун хос бўлган табиий офатларни, ишлаб чиқариш аврияларини ва юзага келадиган экологик вазиятларни фуқаро ҳаёт фаолиятидаги меҳнат хавфсизлигини чуқур таҳлил этиш ва тегишли чоралар кўриш зарур. Фақат шундагина ҳар қандай вазиятлардаги моддий-маънавий йўқотишлар кўламини қисқартиришга эришиш мумкин.

Меҳнат муҳофазаси иш жараёнида инсоннинг меҳнат қобилятини,

соғлиги ва хавфсизлигини таъминлаш учун йўналтирилган қонунлар мажмуини, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техник, гегиеник, профилактик тадбирларни ўз ичига қамраб олади.

Ўзбекистонда меҳнат хавфсизлигини таъминлаш масалаларига оид ҳуқуқий асослар яратилган. Улар жумласига Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнат кодекси” (21 декабрь 1995 йил) ва Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни киради.

Ўзбекистон Республикаси “Меҳнат Кодекси”нинг 212-моддасида: “Меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари ушбу Кодекс, меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар, шунингдек техник стандартлар билан белгиланади”⁹, дейилган.

Корхоналарда ҳар бир ходимнинг Ўзбекистон Республикаси “Меҳнат Кодекси” ва Ўзбекистон Республикаси “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунга амал қилиши, ишлаб чиқариш хавфсизлиги масалаларини иш фаолиятида тўғри ҳал этиши, унинг шу соҳадаги билим ва малакасига боғлиқ.

Ходимлар саломатлигини ҳимоя қилиш, меҳнат шароитларини яхшилаш ва техника хавфсизлигини таъминлашга доир омилларни излаб топиш, меҳнатни самарали ижодий фаолиятга айлантириш жамиятимизнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Сўнги вақтларда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва тиббиёт соҳасига кадрлар тайёрлаш бўйича катта ишлар қилинмоқда, меҳнат ва яшаш шароитларини яхшилаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш борасида мажмуавий дастурлар амалга оширилмоқда, юқумли, умумий хасталиклар ҳамда касб касалликларни ташхизлаш, даволаш ва профилактика қилишнинг энг янги усуллари ишлаб чиқаришга ва ҳаётга тадбиқ этилмоқда.

2010 йили Ўзбекистон иқтисодиётининг турли тармоқларида — саноат, қурилиш, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, транспорт ва алоқа, соғлиқни сақлаш, маориф ва бошқаларда 11624,8 минг ёки 1990 йилга нисбатан 1,5 баробар кўп

⁹ Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнат Кодекси”. – Т.: Адолат, 1996, 98 бет.

киши¹⁰ фаолият юритишган. Табиийки, уларнинг маълум бир қисми нохуш ва зарарли меҳнат (шовқин, тебраниш, кимёвий бирикмалар ва хоказолар) шароитида ишлашган ва ишламоқдалар. Айрим ҳолатларда, зарали ва хавфли ишлаб чиқариш омилларига қўйиладиган руҳсат этувчи гигиеник қоидаларнинг бузилишига йўл қўйилмоқда. Бу эса ишга вақтинча қобилиятсизликка алоқадор касалликни келтириб чиқаради.

Республикамизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳатларнинг бош мақсади инсон манфаатларига қаратилган.

Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофазаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш» қонунига биноан (5-модда) меҳнат муҳофазаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан назорат қилинади.

Бу ишлар билан давлат тузилмасидаги барча бўлимлар шуғулланишади ва бошқариб боришади.

Корхоналарда меҳнат қонунларининг бузилмаслиги ҳолати тармоқ назоратини тегишли вазирликларга бўйсунуш тартиби билан амалга оширади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш воситаларини яратиш мажбурийлиги ҳам қонунда батафсил кўрсатиб ўтилган. Унга кўра корхоналар ходимларнинг техника хавфсизлигини таъминлашлари, шу мақсадда тегишли адабиётлар, плакатлар билан таъминлашлари, ходимлар ўртасида инструктажлар ўтказиб туришлари, шунингдек, зарурий ҳолларда ходимларни сут, даволаш-профилактика озиқ-овқати, газли шўр сув, шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминлаши лозимлиги келтирилган.

Корхонадаги ҳар бир иш жойидаги меҳнат шароити меҳнатини муҳофаза қилиш стандартлари, қоида ва меъёрлари талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

“СамТТМ — Такси” МЧЖда меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг хавфли ва зарарли омиллари устидан назорат ўрнатилишини ташкил этиш ва назоратнинг натижалари

¹⁰ Альманах Ўзбекистон 2011. – Т.:Иқтисодий тадқиқотлар маркази, 2011, 21 бет.

тўғрисида меҳнат жамоаларини ўз вақтида хабардор қилиш маъмурият зиммасига юкланган.

Меҳнат шароити зарарли ва хавфли ишлаб чиқаришларда, шунингдек, ўта нохуш ҳароратли ёки ифлосланишлар билан боғлиқ шароитларда бажариладиган ишларда меҳнат қилувчиларга давлат бошқаруви идоралари белгиллаган меъёрларда махсус кийим, пойабзал ва бошқа махсус ҳимоя воситалари, ювиш ва дезинфекциялаш воситалари, сут ёки унга тенглашадиган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, парҳез овқат бепул берилади.

“СамТТМ — Такси” МЧЖда меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш юзасидан маъмурият билан ходимларнинг ўзаро мажбуриятлари жамоа шартномасида кўзда тутилган.

Корхона маъмурияти томонидан меҳнат қонунчилигига риоя қилиниши юкори идора органлари, махсус давлат инспекцияси (Госэнергонадзор), прокуратура, шунингдек, касаба уюшма органлари ва уларнинг раҳбарлигидаги жамоатчилик назорат килади.

Касаба уюшмаларнинг ишлаб чиқаришдаги қўмиталари ҳузуридаги меҳнат муҳофазаси бўйича комиссия ташкил қилинади. Комиссия меҳнат қонунчилигига, хавфсизлик техникасига ва ишлаб чиқариш санитариясига доир қоида ва нормалларга риоя қилишни текширади ва меҳнат муҳофазасига оид бўлган кўрикларда иштирок этади.

Бу комиссия ишчиларга инструктаж бериш ва хавфсиз ишлаш усулларини ўргатиш сифатини, хатолар ва асбобларнинг тузуклигини, меҳнат муҳофазасига ажратилган маблағларни сарфланишини, бахтсиз ходисаларни тўғри ҳисобга орлинишини назорат килади, ишлаб чиқариш травматизли ва касбий касалликлар сабабларини урганади ва маъмуриятга таклифлар киритади, ишчиларнинг махсус коржома, махсус оёк кийими индивидуал ҳимоя воситалари сут, совун, сифатли ичимлик сув билан вақтида таъминланишини назорат килади. Комиссия истаган вақтида иш ўринларини текшириши мумкин.

“СамТТМ — Такси” МЧЖда ҳам бошқа корхоналардек меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат инспектори бир йил муддатга сайланади. У меҳнат қонунчилигига риоя қилинишини, инструктажнинг уз вақтида утказилишини назорат қилади, станоклар асбоб-ускуналар, химояловчи қурилмалар бузуклигини аниқлаш, чиқиндиларни уз вақтида йигиштириб олиниши, утиш жойлари ва иш уринларида тартибга риоя қилинишини назорат қилиб туриши зарур, шунингдек ишчилар махсус коржома, химояловчи воситалар, совун билан таъминланишини текшириб туриши зарур.

Корхоналарда касаба уюшма қошида меҳнат техникавий инспектори тайинланади. У меҳнат қонунчилиги бўйича ишларни касаба уюшмага қарашли корхоналарда назорат қилади. Бундан ташқари қурилган корхона ва хоналар унинг ижозати билан фойдаланишга топширилади. Ҳамда давлат назорати инспекциялари билан алоқада бўлади.

"Йул ҳаракати қоидалари" га риоя қилишни Давлат автоинспекцияси назорат қилади.

Электр қурилмалар, электр тармоқлар, буг қозонлари, электр станциялари, кишлок хужалиги корхоналаридаги кутариш-тушириш техникалари ишлаши ва уларга хавфсиз хизмат курсатиш қоидалари риоя қилишни Давлат энергия назорати инспекцияси назорат қилади.

Давлат санитария назорати Республика соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Инсониятнинг ҳаёти ва иш жараёнида содир бўлиш эҳтимоли кўп бўлган ва катта талофат келтирадиган бахтсиз ҳодисалардан бири ёнғин ҳисобланади. Шунинг учун корхоналарда ёнғин хавфсизлиги чораларини кўриш, ёнғин содир этган ҳолларда уни ўчиришга мослашган асбобларга эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга.

Корхоналарда, ташкилотларда хавфсизликни таъминлаш ва иш шароитини яхшилаш маъмуриятнинг асосий вазифаси сифатида меҳнат қонунлари ва кодексида ёзиб қўйилган.

Корхоналарда фаолият кўрсатаётган ходимлар саломатлигини, улар ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш корхона раҳбариятининг диққат марказида бўлиши лозим.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг барча соҳалари бўйича бажариладиган тадбирлар давлат бюджети, корхона, ташкилот, ҳомийлар ва бошқалар томонидан молиявий таъминланади.

4.2. Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масалалари

Республикамизда миллий иқтисодиёт тармоқлари объектлари ва аҳоли турар жойларининг ёнғин муҳофазасини мустаҳкамлаш учун ёнғинга қарши кураш режа асосида олиб борилади ва шу тўғрисида доим ғажўрлик қилиб келинади.

Ана шу ёнғин муҳофазаси ишининг икки асосий йўналиши бор:

- ёнғиннинг олдини олишга қаратилган илмий-техник ва ташкилий тадбирларнинг режали мажмуи;
- шаҳар ва қишлоқлардаги аҳоли зич жойлашган жойларда ёнғинни ўчириш ишини ташкил қилиш.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг Ёнғинга қарши кураш бошқармасининг вазифаси — давлат ва нодавлат ташкилотлари, корхоналари мулкани ҳамда фуқароларнинг шахсий мулкани ёнғин ва портлашга олиб келадиган сабабларни йўқотишга қаратилган ташкилий ва техник чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишдан иборатдир.

Ҳар қандай корхонада ишлаб чиқариш технологияси, ишлатиладиган хом ашёси, чиқарадиган маҳсулоти ва жойлашган биносининг конструкцияси ҳисобга олинган ҳолда ёнғин чиқишга, портлашга ва ёнғин чиққан тақдирда унинг тарқалишига, шунингдек ёнғиннинг асоратига асосланган ҳолда ёнғинга ва портлашга хавфлилик даражаси белгиланади.

Албатта, ҳар бир корхонада ёнғин хавфи биринчи навбатда, у ерда

ишлатилаётган хом ашёнинг ва чиқарилаётган маҳсулотнинг ёнғинга хавфлилик даражаси билан ўлчанади. Шунинг учун ҳам корхоналарни категорияларга ажратганда ишлатилаётган моддаларнинг физик-кимёвий хусусиятлари ҳисобга олинади.

Корхоналарда ёнғинга қарши кураш ишларини шу корхоналарнинг ёнғинга хавфлилик даражасига қараб, корхона маъмурияти белгилайди. Агар корхонада ёнғин хавфи бўлса, унда ёнғинга қарши кураш бўлими ташкил қилинади. Бундай бўлим ўзининг махсус ёнғинга қарши кураш командаларини ташкил қилади.

Қабул қилинган технологик лойиҳалашнинг амалдаги меъёрларига биноан барча ишлаб чиқариш корхоналари технологик жараёнларнинг портлаш ва ёнғин хавфи бўйича беш тоифага бўлинади (А, Б, В, Г ва Д).

«А» ҳамда «Б» тоифалар портлаш ва ёнғин хавфи мавжуд корхоналардир.

«В» тоифасига фақат ёнғин хавфи мавжуд корхоналар киради. Улар «А» ва «Б» тоифаларида учрамайдиган ёнувчи суюқлик, чанг ва толалар, қаттиқ ёнувчи модда ҳамда материаллар мавжудлиги билан характерланади.

«Г» тоифага ёнмайдиган моддалар ва материалларни иссиқ, чўғланган ёки эриган ҳолда ишлайдиган, иш жараёнида нурсимон иссиқлик ажраладиган учқун, аланга чиқиб турадиган, шунингдек, қаттиқ, суюқ ва газсимон ёқилғи ёқиладиган цехлар киради. «Д» тоифага ёнмайдиган моддалар ва материаллар совуқ ҳолатида ишлатиладиган цехлар киради.

Ёнғин саноат корхоналари, халқ хўжалигининг барча тармоқларида юз бериб, етказадиган зарари жиҳатидан табиий офатларга тенглашиши мумкин бўлган ҳодиса ҳисобланади. Улар катта моддий зарар келтириши билан бирга оғир бахтсиз ҳодисаларга — захарланиш, куйиш ҳамда кишилар ҳалокатига сабаб бўлиши мумкин.

Ёнғинга қарши кураш ишлари давлат миқёсида амалга оширилади. Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, унинг ривожланиб, тарқалиб кетмаслиги чоратadbирларини олдиндан кўриш, унга қарши самарали кураш олиб бориш

ёнгинни ўчиришда қўлланиладиган бирламчи воситалардан тўғри фойдаланишга қаратилган.

Корхонани лойihalашда, куришда, технологик жараёни амалга оширишда эътиборга олинadиган ёнгин хавфсизлиги чора тадбирлари келажакда ёнгиннинг олдини олиш ва ундan огоҳлантиришда муҳим ҳисобланади.

Ёнгин хавфсизлиги қоида-талабларининг бузилиши, технологик жараённинг режимга тўғри келмаслиги, электротехник асбоб-ускуналарнинг носозлиги, улардан фойдаланиш қоидасининг бузилиши саноат корхоналарида ёнгин, портлаш бўлишига олиб келади.

Ёнгин содир бўлиши асосан техника хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши, корхона ва цех маъмурияти томонидан камчиликларга йўл қўйилиши билан боғлиқ. Ишлаб чиқариш корхоналарида мавжуд бўлган сабаблар, берилadиган ёки қўйилadиган компонентлар таркиби ва тезлигининг ўзгариши, аралаштирилмаслиги, ускунага бегона модда тушиб қолиши, хом-ашё таркибининг ўзгариши, газ, буғларни йўқотиш усулининг бузилиши ва бошқа ҳолатлар аварияга, портлашга олиб келади.

Технологик жараёнларда ёнгин хавфсизлигини таъминлашда қуйидаги умумий тадбирлар амалга оширилади:

- хавфли технологик усулларни хавфсиз турига алмаштириш;
- ускуна-мосламаларни тусикланган ҳолатда жойлаштириш;
- корхона биноларидаги қўлланадиган ёнувчи ва портлашга хавфли моддаларнинг миқдорини камайтириш;
- ускуна, газ қувурларида, ҳаво алмаштириш тизимида ёнувчи моддаларнинг портлашга хавфли коицентрацияси ҳосил булишига йул куймаслик;
- ёнувчи аралашмаларга ингибиторлар, инерт моддалар кушиш;
- ёнгин алангаланадиган моддаларни сақлашда, улар билан ишлашда инерт мухитини яратиш;
- ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, механизациялаш,

узлуксизлигини таъминлаш;

- технологик ускуна ва коммуникацияларнинг герметиклигини таъминлаш ва жараёнда вакуум қўллаш;
- белгиланган технологик режимни аниқ бажариш, стандартларга амал килиш;
- технологик ускуналарни таъмирлаш, тузатишдан сўнг ва ишга туширишдан аввал сув буғи ёки инерт газ билан ишлаш;
- хавфли жойларда ўт манбаининг пайдо бўлишига йўл қўймаслик;
- ёнғин ва портлашнинг тарқалишига йўл қўймаслик;
- кўрик, синов, режали-огоҳлантирувчи таъмирлаш ишларини ўз вақтида олиб бориш, касб эгалари, мутахассисларни талабга мувофиқ танлаш.

Технологик жараён ва унга боғлиқ, ишларнинг ёнғин хавфлилиги аввалдан баҳоланиб, сўнгра хавфни бартараф этиш учун муҳим, аниқ тадбирлар ишлаб чиқилади.

Амалиётда бино ва иншоотларда ёнғинни ўчириш учун сув, сув буғи, кўпик, инерт газлар, кукунлар, сиқилган ҳаво ва қаттиқ моддалар кенг қўлланилади. Ўт ўчириш моддалари электр ўтказиш ва электр ўтказмаслик хоссаларига эга бўлади.

Ўт ўчириш моддалари зарарли, кам захарли ва захарсиз турларига бўлинади. Шунинг учун корхона объектлари ва майдонларини ёнғин учириниш моддалари билан таъминлашда ва ёнғинни ўчиришда бирор услубни қабул қилганда уларни ҳисобга олиш керак.

“СамТТМ — Такси” МЧЖда корхона, бўлим, цех, омборхона шахобчаларидаги ёнғин хавфсилиги учун жавобгарлик, уларнинг раҳбарлари ёки шу раҳбарлар вазифасини бажариб юрган кишилар зиммасига юклатилган.

Хулосалар

“СамТТМ — Такси” МЧЖ мисолида моддий ресурслар ва уларнинг самарадорлигини ошириш йўлларини ўрганиш қуйидаги хулосаларни қилишга имконият берди:

1. Миллий иқтисодиётнинг хизмат кўрсатиш соҳасида транспорт корхоналари алоҳида ўринга эга. Уларсиз ривожланган жамият негизини яратиб бўлмайди. Чунки, транспорт мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларининг муҳим таркибий қисмидир.

Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши, ижтимоий-иқтисодий тузумнинг ўзгариши билан транспорт воситалари ҳам ўзгаради, ривожланади. Бундай ўзгариш баъзан умумий ривожланишдан илгарига борса, баъзида орқада қолади. Транспорт воситаларининг ўсиши умумий ривожланишдан орқада қолганда жамият ривожига тўсиқ бўлади ва бу нарса транспорт воситалари тараққиёти суръатларини жадаллаштириш заруриятини вужудга келтиради.

2. Мамлакатимизда автомобиль транспорти билан юк ташиш ва юк айланмаси, йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси йилдан-йилга ўсиб бормоқда: 2010 йили 1991 йилга нисбатан юк ташиш 3,7 баробарга, юк айланмаси 4,5 баробарга, йўловчи ташиш 2,3 баробарга ва йўловчи айланмаси 3,1 баробарга ошган. Бундай катта ҳажмдаги ишлар турли русум ва андозадаги ҳамда турли қувватдаги автомобиль транспорти воситалари ёрдамида амалга оширилган.

3. Автомобиль транспорти миллий иқтисодиётнинг муҳим буғунига айланган ҳозирги шароитда, уни керакли воситалар билан таъминловчи ва таъмирловчи корхоналарсиз самарали, мақсадга мувофиқ равишда аҳолига ва миллий иқтисодиётнинг турли тармоқларига транспорт хизматини кўрсатиш мумкин бўлмайди.

Мамлакатимизда аҳолининг ва миллий иқтисодиёт тармоқларининг транспорт хизматларига бўлган талабини кондириш учун мингдан зиёд автокорхоналар, икки мингдан ортиқ турли қувватдаги аҳоли автомобилларига техник хизмат кўрсатиш корхона (ТХКК)лари ишлаб турибди. Бу

корхоналар турли мулкчиликка асосланган: хусусий, давлат ва хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар. Улар бажарадиган вазифаларига кўра автомобилга хизмат курсатувчи ва автомобилни таъмирловчи корхоналарга бўлинади.

4. “СамТТМ — Такси” МЧЖда (2.1-жадвал) техник хизмат кўрсатишдан тушган ялпи тушум 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 21956,3 минг сўмга ёки 3,2 баробарга ошган. Корхона ўрганилаётган даврнинг 2009 йили хўжалик фаолиятини 2184,4 минг сўм миқдорида зарар билан яқунлаган бўлса, 2011 йили 2265,2 минг сўм миқдорида соф фойда олиш имкониятига эга бўлди.

2009 йили корхона хўжалик фаолиятининг 2184,4 минг сўм миқдорида зарар билан яқунланишига — олдинги йилларда 3034,0 минг сўм миқдорида тўланмай қолган фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимларнинг бюджетга ундириб олиниши асосий сабаб бўлди. Умуман олганда, корхонада барча асосий кўрсаткичлар ўсиш тенденциясига эга.

5. “СамТТМ — Такси” МЧЖда (2.2-жадвал) 2011 йилда 2009 йилга нисбатан ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш кўрсаткичлари ошган, яъни техник хизмат кўрсатиш ҳажми 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 3,2 баробарга ўсган. Ўртача йиллик ходимлар сони 2009 йилда 10 кишини, 2010 йилда 14 кишини ва 2011 йилда 8 кишини ташкил этган, яъни 2006 йилга нисбатан 2011 йилда 2 кишига камайган. Бу даврда ўртача иш ҳақи 1,3 баробарга ошган. Ходимлар иш ҳақи инфляция даражасининг ўсишига қараб оширилиб борилмоқда. Ўрганилаётган даврда меҳнат унумдорлиги 3,1 баробарга ўсган. Демак, меҳнат унумдорлигининг ўсиши ходимлар иш ҳақининг ўсишидан юқори. Бундай ҳолатни табиий деб баҳолаш мумкин, чунки унинг тескариси рўй берса корхонанинг банкротга учраши ҳеч гап эмас. Рентабеллик даражаси 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 29,49 пунктга ўсган.

6. Хизмат кўрсатиш корхоналарининг фаолияти зарур моддий ресурслар билан таъминланганлигидан боғлиқдир. Уларнинг етарли

миқдорда, яъни белгиланган норматив миқдорида бўлмоғи лозим. Шу сабабли ҳам автотранспортга хизмат кўрсатиш корхоналарининг фаолияти самарадорлигини оширишда моддий ресурсларни ташкил этиш ва уларни бошқариш алоҳида ўрин тутди.

Моддий ресурслар — бу меҳнат объекти бўлган предметлар (бир канча нарсалар, буюмлар) йиғиндисидир. Инсон ўз эҳтиёжларини қондириш мақсадида меҳнат қуроллари воситасида унга таъсир этади, ундан ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланади.

7.“СамТТМ — Такси” МЧЖ керакли хом ашё ва материалларни етказиб берувчилар билан шартномалар тузган. Унда хом ашё ва материалларнинг қайси муддатларда, қандай ҳолатда, қаерга ҳамда қандай баҳоларда етказиб беришли акс эттирилган.

“СамТТМ — Такси” МЧЖ моддий ресурсларни олиб чиқиб кетишни уз зиммасига олган ҳолатлар бўлади. Бундай ҳолларда моддий ресурслар унинг баҳоси нисбатан арзон бўлади. Чунки моддий ресурсларнинг корхонагача тўла-тўқис етиб келишига жавобгарликни сотиб олувчи, яъни “СамТТМ — Такси” МЧЖ зиммасида қолади.

8.Аҳоли автотранспортига хизмат кўрсатиш корхоналарида, жумладан, “СамТТМ — Такси” МЧЖда моддий ресурслар айланма маблағларнинг асосий қисмини ташкил этади.Улар корхонанинг ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлар ҳисобига шакллантирилади. Жалб қилинган маблағлар — банк кредитлари ва кредитор қарзлардир.

“СамТТМ — Такси” МЧЖнинг (1.1-жадвал) айланма маблағлари 2012 йил 1 январь ҳолатига 18120,4 минг сўмни ташкил этган. Бу 2010 йил 1 январь ҳолатига нисбатан 13210,3 минг сўм кам демакдир. Айни пайтда, унинг ўз айланма маблағлари миқдори ҳам, ўрганилаётган даврда, 109,4 минг сўмга қисқарган. Масаланинг эътиборли томони шундаки, 2012 йил 1 январь ҳолатида корхона ўз маблағларининг айланма маблағларни шакллантиришдаги ҳиссаси 30,9 фоизни ташкил этган ва 2010 йил 1 январь ҳолатига қиёсан 162,5 фоизга ёки 6,3 баробарга пасайган.

Айланма маблағларнинг умумий суммасида ўз маблағларининг устунлик қилиши корхонанинг молиявий барқарорлигидан дарак беради.

Ўз айланма маблағларининг корхона ўз маблағларидаги улуши муомалада қанча ўз маблағларининг борлигини кўрсатади. Бу кўрсаткич маблағ (капитал)нинг ҳаракатчанлиги деб ҳам аталади. Муомалада ўз маблағларининг улуши қанча кўп бўлса, корхона капитали шунча ҳаракатчан бўлади ва маблағлар муомалага тезроқ қайтарилади.

9. Миллий иқтисодиётнинг барча тармоқларида, жумладан, автотранспортларга хизмат кўрсатиш корхоналарида моддий ресурсларга бўлган эҳтиёж нормалаштириш асосида аниқланади.

Нормалаштириш — бу моддий ресурсларнинг ҳар бир элементига оптимал миқдорда маблағ қўйишдан иборатдир. Иқтисодий жиҳатдан асосланган нормалаштириш бўлмас экан хўжалик оборотида маблағлар оқилона жойлаштирилмайди. Айрим активларга кўпроқ, айримларига эса камроқ маблағлар қўйилиши мумкин. Оқибатда моддий ресурсларнинг самарадорлиги пасайиб кетади.

“СамТТМ — Такси” МЧЖда моддий ресурслар элементлари бўйича норматив қўйишни талаб даражасида, деб бўлмайди. Шу сабабли ҳам, корхонада ишлаб чиқариш учун зарур бўлган моддий ресурсларнинг етишмай қолиш ҳоллари ҳам рўй бериб туради.

Корхоналарга сотиб олинаётган материал ресурсларининг оқими натижасида уларнинг материал ресурслари билан таъминланганлик даражаси ортиб боради.

“СамТТМ — Такси” МЧЖнинг ихтиёрида 2012 йил бошига 14565,7 млн. сўмлик материал ресурсларининг мавжудлиги балансида кўрсатилган. Корхонага эса, ишлаб чиқаришнинг бир маромда рўй бериши учун, режага мувофиқ 21848,5 минг сўмлик хом ашё ва материаллар зарурлиги аниқланган. Демак, корхона учун уларга бўлган талаб тўлиқ кондирилаётгани йўқ. Бу масалани ҳал этиш учун корхона қўшимча 7282,8 минг сўмга материал ресурсларини сотиб олишни режалаштиради. У шу масала бўйича

тузилган шартномаларда ўз аксини топади. Корхонанинг моддий ресурслар билан таъминотини ҳал этилиши натижасида йил давомида 4505,0 минг сўмлик материал ресурслари сотиб олинган. Бунда корхонанинг материал ресурслар билан таъминланганлик даражаси 87,3 фоизни ташкил этган бўлади: $(14565,7+4505,0) : 21848,5 = 87,3$ фоиз

10.Материаллардан фойдаланиш самарадорлик кўрсаткичларини материал қайтими ва материал сиғими кўрсаткичлари ифодалайди.

“СамТТМ — Такси” МЧЖда (3.1-жадвал) материал сиғими ўрганилаётган даврда 0,03 минг сўмга камайган. Бу ижобий ҳолат. Аммо, буни қачон ижобий ҳолат, дейиш мумкин? Агарда, у — кўрсатилган техник хизмат сифатига салбий таъсир қилмаган бўлса.

“СамТТМ — Такси” МЧЖда (3.2-жадвал) материал қайтими ўрганилаётган даврда 2,3 баробарга ўсган. Демак, “СамТТМ — Такси” МЧЖ томонидан аҳоли автотранспортига хизмат кўрсатиш учун қилинган харажатнинг ҳар бир сўмига 2009 йилда 20,2 сўм миқдорида даромад олинган бўлса 2011 йилда бу кўрсаткич 46,2 сўмга тенг бўлган. Бу 2011-2009 йилларда корхона томонидан қилинган харажатлар самарадорлигининг 2,3 баробарга ўсганлигидан дарак беради.

11.Аҳоли автотранспортига хизмат кўрсатиш корхоналарида, жумладан, “СамТТМ — Такси” МЧЖда моддий ресурслар айланма маблағларнинг асосий қисмини ташкил этади.

2011 йилда “СамТТМ — Такси” МЧЖда (3.3-жадвал) айланма маблағлардан фойдаланишда ўтган йилга қиёсан бир мунча яхшиланган. Ҳисобот йилида айланма маблағларнинг айланувчанлиги 280,5 кунни $(31330,7 : 21729,7 \times 360)$ ташкил қилган ва 2009 йилга нисбатан 939,2 кунга тезлашган $(280,5 - 1219,7)$. Айланма маблағлар рентабеллиги ҳам олдинги йилларга нисбатан яхшиланган ва 9,16 фоизни ташкил қилган. Бу 2009 йилга қараганда 2,56 фоизга кўп $(9,16 - 6,60)$.

Айланма маблағлар самарадорлиги 2011 йили 2009 йилга қараганда 988 сўмга кўпайган. Бироқ, айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини

(киёсан олдинги йилларга кўра яхшиланганига қарамай) яхши деб бўлмайди. Чунки, корхонада айланма маблағларнинг айланувчанлиги жуда паст — 280,5 кун ёки 9 ойдан кўпроқ. Бир йилда улар бор йўғи 1,3 марта айланади (360 : 280,5).

Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигига кўп сонли омиллар, жумладан, хизмат кўрсатиш ҳажми, айланма маблағлар суммаси, айланма маблағлар таркиби ва бошқалар таъсир этади.

12. “СамТТМ — Такси” МЧЖ фаолиятини ўрганиш жараёнида, унда бизнес-режа тузилмаслиги маълум бўлди. Бизнесинг фикримизча, корхона бундай режани тузса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Унда кўзда тутилган ишлар қанчалик даражада амалга оширилганлигини ўрганиш мулкдорлар учун аҳамиятлидир. Қолайверса, у корхонанинг иш жараёнини тасвирлаб, корхона раҳбарининг ўз мақсадларига қандай эришишларини, биринчи навбатда ишнинг даромад келтиришини қай тариқа ошириш мумкинлигини кўрсатиб беради. Сифатли ишлаб чиқилган бизнес-режа корхонанинг иқтисодий бақувват бўлишига ва ўз тараққиётининг истиқболларини белгилаб олишга ёрдам беради.

13. “СамТТМ — Такси” МЧЖда меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг хавфли ва зарарли омиллари устидан назорат ўрнатилишини ташкил этиш ва назоратнинг натижалари тўғрисида меҳнат жамоаларини ўз вақтида хабардор қилишга маъмурият масъул ҳисобланади.

“СамТТМ — Такси” МЧЖда меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш юзасидан маъмурият билан ходимларнинг ўзаро мажбуриятлари жамоа шартномасида кўзда тутилган.

“СамТТМ — Такси” МЧЖда корхона, бўлим, цех, омборхона шахобчаларидаги ёнғин хавфсилиги учун жавобгарлик, уларнинг раҳбарлари ёки шу раҳбарлар вазифасини бажариб юрган кишилар зиммасига юклатилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: ўн иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган. – Т.: Ўзбекистон, 2008.
2. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида, 1990 йил 31 октябрь.
3. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида, 1991 йил 19 ноябрь.
4. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида, 1993 йил 6 май.
5. Ўзбекистон Республикасининг Фуқоролик кодекси (1 қисм). – Т.: Ўзбекистон, 1995.
6. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси. – Т.: Адолат, 1996.
7. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида, 1996 йил 26 апрель.
8. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида, 2000 йил 25 май.
9. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида, 2001 йил 6 декабрь.
10. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Хусусий корхона тўғрисида, 2003 йил 11 декабрь
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54 сон қарори билан тасдиқланган «Махсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом».
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сон қарори: «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»

- 13.Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 32 бет.
- 14.Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. // Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь.
- 15.Абдукаримов Б.А .ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Дарслик.- Т.: Фан, 2005.
- 16.Абдукаримов И.Т. Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари.-Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1999.
- 17.Акрамов Э.А Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили. – Т.: Молия, 2003.
- 18.Додобоев Ю., Худайбердиев А. Корхона иқтисодиёти. Ўқув кўлланма.-А.: «Андижон нашриёти» ОАЖ, 2002.
- 19.Ивуть Р.Б. Экономика автомобильного транспорта: учебно-методическое пособие. В 2 ч. - Мн.: БИТУ, 2007.
- 20.Кантор Е.Л. и др. Экономика предприятия. – СПб.: Питер, 2009.
- 21.Махмудов Э.Х. Корхона иқтисодиёти. Ўқув кўлланма. –Т.: “Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси” нашриёти, 2006.
- 22.Ортиқов А. Саноат иқтисодиёти. Дарслик.-Т.: ТДИУ, 2004.
- 23.Раицкий К.А. Экономика предприятия. – М.: ИВЦ «Маркетинг», 2000.
- 24.Urazov K. V. Buxgalteriya hisobi va audit o‘quv qo‘llanma. – Т.: “O‘qituvchi”, 2004.
- 25.Urazov K.V., Vaxidov S.V. Boshqa tarmoqlarda buxgalteriya hisobining xususiyatlari. Darslik. – Т.: “O‘qituvchi”, 2010.
- 26.Экономика предприятия. 3-е изд.перераб. и доп. Учебник для вузов/ Под ред.проф.В.Я.Горфинкеля, проф В.А.Швандара – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2004.
- 27.Ўзбекистон иқтисодиёти: ажборот-таҳлилий бюллетень 2010 йил.- Т.: Иқтисодий тадқиқотлар маркази, 2011

28. Альманах Ўзбекистон 2011. – Т.: Иқтисодий тадқиқотлар маркази, 2011.

29. Интернет маълумотлари қўйидаги сайтлардан олинади:

<http://www.Lex.uz>

<http://www.harvard.edu>

<http://www.capitul.ru>

<http://www.5b.ru>

<http://www.audit-center.Ru>

30. “СамТТМ — Такси” МЧЖнинг 2009-2011 йиллардаги статистик ва молиявий ҳисоботлари ҳамда бухгалтерия ҳисобининг дастлабки маълумотлари.